I-XII. 2004. Дре

2004 ЙИЛ - «МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ» МУБОРАК БЎЛСИН!

2004 YIL 1 YANVAR, PAYSHANBA

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№1-2 (6.683). Sotuvda erkin narxda

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари Янги, 2004 йил кириб келиши муносабати билан тинчлик, осойишталик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллаган.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиндан қуйидаги мазмунда табрикнома олинди:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Янги йил муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз!

2003 йил Россия-Ўзбекистон муносабатларининг янада мустаҳкамланиши, минтақавий ва халқаро ишларда икки томонлама стратегик шерикликнинг чуқурлашуви билан нишонланди. Дўст ўзбеклар диёрида бўлган вақтимни ғоятда самимият билан эслайман.

Янги йилда Россия биланЎзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ва ҳар томонлама ҳамкорлик мамлакатларимиз халқларининг фаровонлиги, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида олға томон муттасил ривожланиб бораверишига ишончим комил.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва давлат фаолиятингизда муваффақиятлар,Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

В.ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

х х х

Шунингдек, қуйидагилар ҳам давлатимиз раҳбарига ўз қутловларини йўллаган:
БМТ Бош котиби Кофи Аннан.
Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао.
Дания Қироличаси ва Шаҳзодаси Маргрете II ва Хенрик.
Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр.
Корея Республикаси Президенти Но Му-Хён.
Молдова Республикаси Президенти Владимир Воронин.
Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко.
Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев.
Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов.
Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Авваламбор, мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб, янги йилни кутиб олаётган сиз, қадрли юртдошларимни ушбу қутлуғ айём билан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда барчамиз кириб келаётган янги йилни катта орзу-умидлар билан қарши олар эканмиз, шу билан бирга, якунига етаётган йилда бошимиздан кечирган муҳим воқеаларни ҳам беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Очиқ тан олишимиз керак - ўтиб бораётган йил юртимиз учун осон бўлгани йўқ. Эришилган ютуқларимиз билан бир қаторда биз ўз олдимизга қўйган кўпгина марраларга етиб боришда анча қийинчилик ва тўсиқларга дуч келдик, айрим муаммоларни ечиш оғир кечди.

Айниқса, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалик соҳаси учун ноқулай келган об-ҳаво ва табиий иқлим машаққатларини енгиб ўтишга, бу йилги ҳосил учун жуда кўп меҳнат қилишга тўғри келди.

Шуларга қарамасдан, 2003 йил Ўзбекистон тарихида кенг миқёсдаги ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўлидан изчил олға бориш йили бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бу ўзгаришлар, аввало, юртимизда бўлаётган катта бунёдкорлик ва ободончилик ишларида, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўсиш суръатларида, одамларнинг ҳаёт шароити сезиларли даражада яхшиланиб бораётганида, миллий валюта -сўмимизни мустаҳкамлаш, унинг эркин алмашувини таъминлашда ўз ифодасини топмоқда.

Бундай ижобий ҳолат айниқса халқимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган инфляциянинг кескин камайишида, нарх-навонинг жиловланишида яққол намоён бўлмоқда. Бу кўрсаткич 2002 йилда 21 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда 4 фоиздан ошмагани ҳам буни исботлаб турибди.

Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалмоқда, хорижий шериклар билан ҳамкорлигимиз кўлами ва самарадорлиги, [illegible]арнинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритаётган инвестициялари ҳажми ортиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, 2003 йилда иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида кўлга киритган натижаларимиз, ҳеч шубҳасиз,Ўзбекистонимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти оширишга, эркин демократик жамият барпо этишга, халқимизнинг ҳаётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўши, десак, асло хато бўлмайди.

[illegible]нинг боисини - аввало диёримизда сақланиб келаётган ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий барқарорликда, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъиназар, одамларимизнинг [illegible]гу тафаккурида юртимизда тинч ва осуда ҳаётни ҳимоялаш керак, тинчлик учун курашиш керак, деган тушунчанинг тобора кучайиб бораётганида кўришимиз зарур.

Бунг боисини - мана шу мубрак заминда яшаётган инсонларнинг кескин ўзгариб бораётган дунёқараши, ҳаётга фаол муносабатида, мамлакатимизда ва ён-атрофимиздаги рўй бераётган воқеаларга ҳалқдорлик туйғуси, бугунги ва эртаги кунга бўлган ишончида,деб қабул қилишимиз даркор.

Мен ана шунда эзгу мақсад ва муддаоларимизни амалга оширишнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш сиз, азиз юртдошларимга, шу йўлда қилаётган ижодкорона меҳнатингиз учун ҳаётимизни янгилаш, ҳечқисмдан кам бўлмаган даражга етказиш ишига қўшаётга ҳиссангиз учун яна бир борчангизга таъзим қилиш ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Муҳтарам юртдошлар!

Саноқли дақиқалардан сўнг курантлар садоси юртимизга янги -204 йил кириб келганидан дарак беради.

Биз янги йида жамиятимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш в эркинлаштириш жараёнларини давом эттириш, аввалгизланиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу тоифанин ҳаётимиздаги таъсири, улуғи ва самарасини ошириш исобидан ҳам давлат, ҳам ила, ҳам инсон иқтисодини ксалтириш мақсадини ўз олдимизга қўймоқдамиз.

Биз ҳаёт тажрибамизда ўзини оқлаган ибратли анъанага амал қилиб, янги йилни мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилганимиз мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаган сиёсатимизнинг мантиқий давоми экани ҳам сизларга яхши аён, деб ўйлайман.

Бу борада бизнинг мақсадимиз - мана шу эзгу ва савобли ишларимизга давлат идоралари ва жамоатчилигимизнинг эътиборини жалб қилиш, барча юртдошларимизни бу хайрли ишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшишга даъват этиш, аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг қалби ва онгида инсоний қадриятларни мустаҳкамлашдан иборат.

Ишончим комилки, бағрикенг халқимизга Яратганимизнинг ўзи ато этган азалий фазилатлар - ногиронлар, етим-есир ва бева-бечораларнинг бошини силаш, қаровсиз ва ёлғиз кексаларга, муҳтож оилаларга ёрдам ва кўмак бериш каби олижаноб аломатлар янги йилимизда янада ёрқин намоён бўлади.

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, барча ватандошларимизга қарата, азизларим, бир-биримизни асраб-авайлайлик, бир-биримиздан меҳримизни дариғ тутмайлик, меҳр-оқибатли бўлайлик, деб даъват қилмоқчиман. Бу даъват мана шу саховатли заминимизда истиқомат қиладиган инсонларнинг, бутун жамоатчилигимизнинг юрагига етиб боради ва акс садо беради, деб ишонаман.

Муҳтарам ватандошларим!

Мана шу бетакрор ва шукуҳли лаҳзаларда барчангизни бағримга босиб, сиз, азизларимга ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдириб, самимий тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Янги йилда энг эзгу орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин!

Янги йил ҳар қайси оила ва хонадонга яхшилик, бахту саодат, файзу барака олиб келсин!

Кексаларимизнинг умрини, ёшларимизнинг бахтини берсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

26 декабрда Эрон Ислом Республикасининг Бам шаҳрида рўй берган кучли зилзила жаҳон аҳлини ларзага солди. Табиий офат Бам шаҳрини бутунлай вайрон қилди. Оқибатда ўттиз мингга яқин одам қурбон бўлди. Минглаб одамлар жароҳат олди. Айни пайтда Эрон халқига дунёнинг турли бурчакларидан ёрдам жўнатилмоқда.

ЭРОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

30 декабр куни зилзиладан жабр кўрган Эрон Ислом Республикаси халқигаЎзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан инсонпарварлик ёрдами жўнатилди. Иссиқ кийим-кечак, айниқса, болалар кийимлари, пайпоқлар, дори-дармон, озиқ-овқат, ичимлик суви, йигирмата чодир ҳамда кўрпа-тўшакларидан иборат жами ўн уч тонна инсонпарварлик юки «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси орқали Эроннинг Керман шаҳрига етказилди.

Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Фатҳали Эрон халқи бошига қулфат тушганда биринчилардан бўлиб ёрдам кўрсатганЎзбекистон халқига, шахсан Президентимизга катта миннатдорлик билдирди.- Ўзбек халқининг беминнат ёрдамини халқимиз ҳеч қачон унутмайди, деди элчи.

Шу куниёқ Керман аэропортидаЎзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги масъул ходимлари томонидан етказилган инсонпарварлик юки Ўзбекистоннинг Эрондаги элчихонаси вакиллари иштирокида Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига топширилди.

(ЎзА)

«ҲАММА КУНЛАРИНГ САОДАТЛИ БЎЛСИН»

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Ёши ўтинқираган сари одам шукроналикка мойил бўлиб қоларкан. Мана, янги – 2004 йилни қарши оларканман, аввало қалбим ўтган 2003 йил учун шукроналик туйғуларига тўлиб-тошмоқда. Нима учун шукур қилмай? Болалигимизда ҳам, ёшлигимизда ҳам "инсон ғанимат, умр ғув деб ўтиб кетади" деган гапларни кўп эшитар эдигу, лекин улар бир қулоқдан кириб, иккинчи қулоқдан чиқиб кетаверар экан. "Ғанимат" деганнинг маъносига, мана энди етяпман.

Шунинг учун ҳар куни эрта тонгда уйқудан кўз очар эканман, "етказган кунингга шукур", деган гапни кўнгилдан ўтказаман. Мана, кунлар ҳафталарга, ҳафталар ойларга уланди. Ойлар қўшилиб йил бўлди. Буни қарангки, жиндай ногирон бўлсам-да, аъзойи баданимда "таъмирталаб" жойлар кўпайиб бораётган бўлса-да, ётиб қолганим йўқ, эс-хушим жойида, қўлим қалам тутишга яраб турипти, хотира ҳам унчалик панд бераётгани йўқ. Йил бошида "Президент" деган китобим чиқди. Матбуотда анчамунча мақолаларим босилди. Мустақиллик йилларида ёзилган асарларимдан каттагина бир китобни дасталаб, "Шарқ" нашриётига топширдим. Радио, телевидение орқали чиқишлар қилиб турибман, кўпгина учрашувлар ва анжуманларда қатнашдим. Ҳарқалай, бир кишичалик ишлаб турибман. Бунинг устига оилавий ҳаётимда ҳам қувончли иккита ҳодиса бўлди – учинчи неварам Ширинни узатдик, барака топкур куёвимиз Сарварбек жуда киришимли, уқувли бола экан. Қуша қариқсин. Яна бир неварам Шаҳноза эса тўртинчи эварани туғиб берди. Унинг исмини Баҳодир қўйдик. Ўзи ҳам худди менинг ўзимга ўхшайди (бу гапни унинг дадаси Зафаржон эшитмасин - ҳозир "Баҳодир менинг копиям", деб керилиб юрипти. Нима ҳам дердим – бир гапдан қолсам бир нима бўлиб қоламанми?)

Бир йилда шунча қувончли ишлар бўлиб ўтган экан, мен шукур қилмай, ким шукур қилсин?

Лекин гап фақат менинг шахсий ҳаётимда эмас. Қолаверса, ҳаммамиз севган жонажон юртимиз учун ҳам ўтган йил қутлуғ келди. Юртбошимиз ҳар хил муносабат билан бир гапни кўп такрорлайдилар: "Ўзбекистон Худонинг назари тушган жой". Аввалларида мен буни эшитганимда "Ҳа, энди гап келганда айтиладиган бир чиройли гап-да", деб ўтиб боравердим. Лекин бу гапнинг тагида катта маъно бор эканига, юртимизни Оллоҳнинг ўзи алоҳида эътибор билан ўз паноҳида асраб келаётганига, ундан меҳр-мурувватини дариғ тутмаётганига тобора кўпроқ ишониб боряпман. Мана, бир мисол – ўзингиз ўйлаб, хулоса чиқариб олаверинг: 2003 йил бутун дунё аҳли учун қутлуғ келди, деган гапни баралла айта олмасак керак. Йил давомида қаерлардадир бўронлар кутурди, тўфонлар кўтарилди. Ҳеч қачон тошқин бўлмайдиган Оврупа мамлакатларида катта-катта тошқинлар бўлди, кўплаб иморатлар йиқилди, қишлоқлар хароб бўлди, зилзилалар, ёнғинлар содир бўлди, вулқонлар отилди, ҳамиша ёзда ҳам костюм кийиб юрадиган мамлакатларда ҳаво исиб кетиб, минглаб одамлар ҳаётдан кўз юмди.

НИГОХ

(Давоми 2-бетда)

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

ЖИЗЗАХ. /ЎзА мухбири Тошқул БЕКНАЗАРОВ/. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда соҳага дахлдор республика идоралари мутахассислари вилоятда бўлиб, қишлоқ хўжалиги тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, шу кунларда бажарилаётган юмушлар билан танишди. Келгуси йил ҳосилига тайёргарлик кўриш, хусусан, ерларни шудгорлашнинг аҳволи атрофлича ўрганилди.

Вилоят ҳокимлигида ана шу масалалар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Қишки юмушларнинг ўз вақтида сифатли бажарилмаслиги пировард натижага қанчалик салбий таъсир кўрсатиши вилоят пахтачилигидаги ўтган йиллар тажрибасидан маълум. Шудгорнинг кечикиши, сифатсизлиги, вақтида яхоб суви берилмаслиги оқибатида айрим туманларда ҳосилдорлик кескин пасайиб кетди.

Йиғилишда деҳқончиликдаги бундай хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, пахта майдонларини ўз вақтида ва сифатли шудгорлаш, шўрини ювиш, яхоб бериш ишларини сифатли ўтказишга эътиборни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Келгуси йил пахта хосили учун 101 минг гектар ер шудгорланиши керак. Бу иш вилоятнинг Пахтакор, Зафаробод туманларида нисбатан яхши бажарилаётгани қайд қилинди. Аммо кўпчилик туманларда шудгорлаш ва бошқа қишки юмушларнинг боришида сусткашликка йўл қўйилаётгани ташвишланарлидир. Шудгорлашни қисқа фурсатларда якунлаш учун вилоятдаги мавжуд 211 «Магнум» тракторидан ва барча фермер хўжаликларидаги техникадан юқори унум билан фойдаланиш даркор.

Кенгашда вилоят ҳокими У.Яманқулов иштирок этди.

САВОБГА ЗАВОЛ ЙЎҚ

ЭЗГУЛИК

Балиқчи ва Олтинкўл туманлари ҳудудини асов Қорадарё ажратиб туради. Унинг иккі қирғоғида бир хил номланувчи Аълам қишлоғи бор. Аъламликлар ҳамқишлоқлари Акромжон ота Мирзаевни "ҳожи дада", дея ардоқлашади. Ваҳоланки, отахонга ҳали Аллоҳ томонидан буюрилган бешинчи фарзни ато этишлик насиб этмаган.

Акром бобо Мирзаев 74-баҳори арафасида. Ота томонидан ҳам, она томонидан ҳам таг-тугли авлодга мансуб. Акромжон тўрт ойлик бўлганида отаси қазо қилган. Онаси Озодахон опа ёлғиз ёдгорлигини бошини силаб, қайта турмуш қурмади. Акромжон онаси бағрида камолга етди. Ҳалол яшашга интилди. Касби дурадгор бўлиб уйлар қурди, боғбон сифатида боғлар яратди, деҳқончилик ҳаётини ободлашдек олий ишлар билан шуғулланди. Умр йўлдоши билан 8 қиз ва бир ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Бугун ҳаммаси уйли-жойли. Набираю чеваралар эса бир этак. Бу оилага Аълам қишлоғида каттаю кичик бирдек ҳавас қилади.

Машойиҳлар айтишадики, ҳар нарсанинг уволи бор-у, фақат савобнинг уволи йўқ. Акромжон ота Мирзаевнинг ҳаж сафарига отланмай туриб ҳожилик мартабасига эришганлиги замирида ҳам ана шу савоб ётибди.

Дарёнинг икки қирғоғидаги бир қишлоқни боғлаб турувчи кўприкни анча йиллар аввал тошқин олиб кетганди. Ана шундан буён қариндош-уруғ, ёру биродарлар бир-бирларини йўқлаш, тўю маъракаларда ҳамнафас бўлиш учун куннинг ярмини йўлда ўтказишаётган эди. Қишлоқдан Чинободга, ундан Қуштепага, сўнгра Олтинкўл Аъламига камида 15 километр йўлни айланиб ўтиш лозим бўларди. Яна ҳар манзилда машинага алоҳида чиқиш керак эди.

(Давоми 2-бетда)

ЭЙ, УМРИ АЗИЗ

ҚАҲРАМОННИНГ ОНАСИ

Гулжн момо бир асрданҳатлади. Бир аср-а!

Ўтган йили кузда фарзандлари абаррук қарияннинг юз ёшини элга ош тортиб нишонладилар. Бутун Хоразм иғилиб келган тўйига учарзанди-ю ўнлаб неваралри бош-қош билан узоқласа – пойтахтга кетса, кунора қўнғироқ қилиб сўрашишни канда қилмайди.

Гулжон момо хон замонларини кўрган. Муштдек бошидан дала юмуши пешонасига ёзилган. Раҳматли отаси Матёқуб ака ва онаси Нуржон момолар қўл қавар-бўлиши. Кексалик-да. Арафада омо озроқ оғриниб қолди- оёқ босолмайди денг. Ўй даврасига момони тиғич ўғли опичлаб олибкди.

Бу оҳа деҳқони учун энг масъиятли мавсум арафаси эди. Кейин пахта йиғимтерми бошланди.

Тиғичининг қирқ йиллик одаб бор - ёв босиб келса-ё ёрталаб, ё кечқурун эканни зиёрат қиладиган, ҳолҳвол сўрайдиган. Иш тиб, оила тебратган инсонлар эдилар. Ўз томорқасида йил бўйи тер тўкишар, ҳосил чўғи катта оилани боқишга етмаганидан ўзига тўқ хонадонларнинг ерларини ярим шерикчиликка экишарди.

Ишлаб толмайдиган қўли гул Гулжонни ўн тўртига тўлар-тўлмас Қурбондурди исмли йигитга узатишди. Янги тузилган оила ҳам қора меҳнати орқасидан қозон қайнатарди. Кейин колхоз деганн чиқди.

(Давоми 7-бетда)

БЕШИНЧИ ҚАВАТДА БЕШ ДАҚИҚА СУҲБАТ

ҲАЗИЛНИ ҲАЗМ ҚИЛИШ ОСОНМИ?

Бугунги меҳмонимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли қизиқчи Ҳожибой Тожибоев.

-Анъанавий саволимиз: "5" рақамига муносабатингизни билдирсангиз. Умуман, рақамларнинг инсон ҳаётига таъсири нимада, деб ўйлайсиз?

-Беш рақамига жуда ихлосим баланд. "5"ни қаттиқ ҳурмат қиламан. Негадир,бу рақам одамга рағбат берадигандай туюлади менга. Рақамларнинг хосияти кўп ўрганилган. Улар инсонга ғойибона ҳамроҳдай. Масалан, етти сонини ҳам алоҳида эътироф этиш мумкин. Эртакларда ҳам етти оға-ини ботирлар ўз илоҳий куч-қудрати билан ҳар қандай ғовни енгиб, тўсиқлар билан курашиб муродга етишади.

-Қизиқчиликдаги услублар ҳақида нималар дея оласиз?

-Бошқа соҳалардагидек қизиқчиликда ҳам турли услуб ва йўналишдаги фаолиятлар мавжуд. Аския қизиқчиликдаги энг кўп оммалашган услуб ҳисобланади. Бу сўз ўйинининг яна бир фарқли жиҳати иштирокчилар бир кишимас, кўпчиликни ташкил этади. Бундан ташқари ҳаётдаги воқеаларни ҳажв шаклида айтиб бериш ҳам кулдиришнинг соддароқ шакли саналади. Тақлидчилик ҳам кулдиришнинг оммалашаётган тури. Умуман, кулишга сабаб тополмай турган одамни хаттиҳаракат ёки мимика орқали ҳам осонгина кулдира олиш мумкин. Муҳими, кулдиришда ҳам кулдириш бор. Кулгу ҳам улуғ неъмат ва шу билан бирга ўзини ўзи оқлайдиган илм. Тиббиёт фанининг аниқлашича кўра, одам мириқиб кулганда қонда фойдали элементлар миқдори ортиб, организм қувват топар экан. Кулгуда қўй гўштининг қуввати бор, деган гап ҳам шунчаки сафсата эмас.

(Давоми 8-бетда)

ИСЛОҲОТ

Амударёнинг қуйи қисми ўнг қирғоғидаги Мискин овулидан бошланиб, бир неча минг йиллик тарихдан гувоҳлик бериб турган ва ўз вақтида хоразмий подшоҳларнинг дастлабки қароргоҳи бўлган Тупроққалъаю Бадай тўқай, Султон Увайс тоғ тизимларига қадар чўзилиб кетган кенг ҳудудда мелоддан олдинги даврда ҳам мураккаб суғориш иншоотлари вужудга келтирилиб, деҳқончилик гуллаб-яшнаган.

Аммо Амударё ўз ўзанини да эса қадимий Элликқалъа

АМУДАРЁ МИРОБЛАРИ

ўзгартиргач, обод қўрғонлару қалъалар хувиллаб қолган, боғ-роғлар кимсасиз сахрога айланган. Фақат Аму соҳилида деҳқончилик маданияти илгаригидек юксак даражада сақлаб қолиниб, сувнинг ҳар бир қатраси эъзозланган. Қулатоғдан Толлиқ тўқайигача Амударё соҳилидаги Тўрткўл, Беруний туманлари хўжаликларига тегишли серҳосил ерлардан йилига 100 минг тонна ҳам кўпроқ пахта етиштириб олинган.

Ўтган асрнинг 70-й

массивига мироб келтиришиб, а ҳақиқий эгала ётган бобокало га ўн минглаб кўчиб келиш мамлакатим янги Элли

"САФИМИЗ КЕНГАЙГАНИДАН ХУРСАНДМАН"

Қишлоғимиз аския-аскиячиларининг ўзига хослиги шундаки, - дейди шоир Турсунбой ака, - ҳамманинг қайсидир ҳайвон номи билан боғлиқ лақаби бўлса-да, ўша ҳайвон номи асло айтилмайди, балки ўша ҳайвоннинг "фазилати" айтилади.

Хўжалик раҳбари Олимжон ака Жўраев қўшни Оққўрғон қишлоғидан уйланган. Бизда одатда лақаб хотин уруғи лақабига менгзалиб айтилгани учун Ғойиббой бува атайин Оққўрғонга бориб, Олимжоннинг хотини уруғи лақаби "эшак"лигини билиб келади. Шу кундан бошлаб тегирмончи раисни қачон учратмасин, югуриб бориб, қўш қўллаб сўрашиб:

-Олимжон, яхшимисиз, ҳайрият-ҳайрият, Худога шукр! – деяверади.

Раис бир индамайди, икки индамайди. Охири, ҳар кўрганида бир хил "манзара" такрорланавергач, кунларнинг бирида Ғойиб отанинг ёқасидан олади:

-Тинчликми ўзи, нега ҳар сафар "ҳайрият, Худога шукр", деб битта гапни такрорлайверасиз, - деса, Ғойиббой буваси тушкур, секин Олимжоннинг қулоғига энгашиб:

-Кечирасиз, одамлар эшитмасин, икковимизнинг ҳам лақабимиз ўхшаш экан. Сафимиз кенгайганидан хурсанд бўлиб, "Худога шукр" деяпман, - дермиш.

"ИТ ТЕГДИ"

Матҳолиқ ака деган ҳамқишлоғимизнинг лақаби "ит". Ғойиббой бува тегирмончилик қилиш билан бирга хўжалик товуқлариниям боқарди. Кунларнинг бирида номаълум касаллик тарқаб, бир кечада Ғойиббой буванинг уч-тўрт юз товуғи нобуд бўлади.

Матҳолиқ ака отахондан кўнгил сўраб қўйиш учун унинг товуққонасига чиқиб боради. Товуққона атрофида ўлик товуқларни йиғиб юрган Ғойиббой бувани кўрган Матҳолиқ ака:

-Ғойиб ака, тинчликми, яхшимисиз? Ҳа, нима бўлди? – деса, Ғойиббой бува пинак бузмай:

-Кўрмайсанми, биродар, товуқларимга ит тегди! – дермиш...

"ХЎРОЗ"НИ ҚУВГАН "МАКИЁН"

-Раҳматли Йўлдош тоға деган мактабимизнинг ошпази бўларди. Кўп қизиқ одам эди.

Бир куни Абдураҳмон деган қўшнимиз кўчадан ўтиб кета турса, Йўлдош тоға кампирини қувганча чиқиб қопти. Абдураҳмон тўхтаб:

-Ҳа, тоға, тинчликми? – деса, тоға ҳазилга олиб:

-Ҳа, энди хўроз бўлгандан кейин макиён деганни қоғ-қоғ қувиб туради-да, - депти.

Абдураҳмон кулиб йўлида давом этибди.

Орадан бир хафта ўтиб, ўша кўчадан яна ўтаётса, бу гал Йўлдош тоғани кампири қўлида чўлтоқ супурги билан қувиб юрганмиш. Кампир Абдураҳмонни кўра солиб, супургини яширганча уйига кириб кетибди. Кўчани ўртасида турган Йўлдош тоға сир бой бермай Абдураҳмонга:

-Ҳа, жиян, қалайсан? – дебди.

Абдураҳмон мийиғида жилмайиб:

-Буёғи қизиқ бўлди-ку, - деса:

-Қўявер, жиян, баъзида макиёнам хўрозни қувиб туради, - дермиш.

Ортиқали НОМОЗОВ

"ИЧМАСАМ БЎЛАРКАН..."

Шодиқул Янги йилни қишлоқда, ота-онасининг олдида кутмоқчи бўлди. Шу сабабли "Эртага Янги йил" деган куни Сурхондарёга отланди. Оғайнисининг маслаҳати билан автобусда эмас, поездда йўлга чиқди. Юкларини купега жойлаб бўлгач, ташқарини томоша қилиб кетиш учун вагон йўлакчасига ўтди.

Поезд шиддат билан олдга интилар, дераза ортидан "зуввув" этиб ўтаётган дарахтлар ва устунларнинг "тезлиги" кўзни чарчатиб қўярди. Шодиқул эса хаёл сурганча кенг далалар, катта-кичик қишлоқларни томоша қиларди. Бир пайт кимнингдир елкасига "шап" этиб тушганидан чўчиб, ортига ўгирилди.

-Оббо Шодивой-ей, сени кўрадиган кун ҳам бор эканку, жигаржон...

Шодиқул йигирма беш йиллик қадрдон жўраси Чорини дўриллаган овозидан таниди, холос. У кувонганидан беихтиёр қийқириб юборди. Жўраси билан ачомлашиб кўришди.

-Юр, купега, - деди Шоди уни қўлидан тортиб.

-Қўя... Яхшиси биззи купега юр, Ахмадали билан Солижон ҳам ўшатда... Россиядан келяпмиз...

Шоди қишлоқдош жўраларининг узум сотгани Россияга кетишганини эшитганди. Шу боис Чорини унча ялинтирмади. Улар кейинги вагонга ўтиб, керакли купе эшигини очишганда, ичкаридаги "ноғора базм" авжига чиққанди. Чорининг ортидан саланглаб кириб келган Шодини кўриб, ўтирганлар талмовсираб қолишди. Кейин эса ҳаммаси бирин-кетин қийқирганча бел олишиб сўрашишди.

-Ўтир, - деди Чори Шодига. – Кўришганимизгаям анча [illegible]лди... Ювамиз... Эртага янги йил, айби йўқ.

[illegible]роқ антика ичимлик... Умрида ичиб ҳўрмаган йигит [illegible] алжираб қолди. Нукул "Деновга етдикми?" деяверадиғингина чўтир башараси олов бўлиб ёнади. Ичи [illegible]овуқ сув ичади. Кайф жонивор баттар кўтарилади. [illegible]нинг ҳам аҳволи уникидан қолишмайди. Бир пайт [illegible] "Деновга келдик шекилли..." деган ваҳимаси[illegible]и типирчилаб қолишди. Апил-тапил нарсаларр[illegible]риб, югуришди. Ҳайтовур улгуришди. Улар [illegible]ни биланоқ поезд "тарақ-туруқ" қилиб юриб [illegible]қоронғу, соат неча бўлганини ҳеч ким билмас[illegible]трофга тикилади, танимайди. Денов вокзал[illegible]ди-ку. Ё адашишдимикин? Йўл оғасидан [illegible]рашмапти-я...

[illegible] – Чорининг дўриллаган овози хамманинг [illegible]ошиб юборди. – Олдинроқ тушиб [illegible]ши йўқ, кейинги поездда ке[illegible]м, сени нарсаларинг қани? [illegible]та-онасига атаб олган [illegible]я... Йигит пещонасига [illegible]кан", деди ичида аф[illegible]

[illegible]асан ТОШХЎЖАЕВ

САВОБГА ЗАВОЛ ЙЎҚ

(Боши 1-бетда)

2003 йилнинг ёз ойларида Акром ота дилида Қорадарёга кўприк қуриш нияти туғилиб қолди. Мўлжални олгач, бу ҳақда юрт катталарига маслаҳат солди. Кимки бу ниятдан воқиф бўлса, барчаси Акром отани қўллаб-қувватлашди. Бу орада боғларда мевалар пишди. Полизларда қовун-тарвуз ранг олди. Дарёнинг икки тарафида одамларнинг кўнгиллари қанчалар чароғон эканлигини кўрсангиз эди. "Бутун кучни халқ ичидан олайлик" деган Чўлпон ҳақ экан. Республикамиз мустақиллигининг 12 йиллиги кунида кўприкнинг очилиш шодиёнаси халқ сайлига айланиб кетди. Худди шу куни Акром ота Мирзаевга ҳожилик либоси кийдирилди.

Қорадарёнинг энг тор жойида қурилган Акром ота кўприги ўзига хос конструкцияга эга. Унинг узунлиги 220 метр. Дарё ўртасида устун бор. Ҳар бири билакдек келадиган тросслар сони 7 та.Ушбу осма кўприкнинг эни 2 метр бўлиб, тахта зич қоқилган. Кўприкнинг икки ёни бир метр баландликда сим тўр билан ихоталанган. Олтинқўлнинг Қўштепасида ҳафтада бир марта катта бозор бўлади. Ана шу бозор куни бу кўприкдан ўтганлар сони қанча? Ваҳоланки, саховат эвазига бунёд бўлган бу кўприкдан нафақат аъламликлар, қолаверса, "Андижон", "Ўзбекистон" ва Бобур номли ширкат хўжаликлари қишлоқларида яшовчи яна минглаб инсонлар фойдаланяпти.

Биз янги йил байрами арафасида халқ "ҳожи дада" дея ардоқлаётган инсонни йўқлаб, Балиқчи туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигига йўл олдик. Хўжалик марказидан Аъламқишлоғигача анча йўл экан. Савобталаб отахонни топиш осон кечди. Ҳовлиси шундоққина дарё лабида экан. Уй-жойи ўртамиёна ҳовлига қадам ташлашингиз билан ўзгача файзни ҳис қиласиз.

Ҳожи ота томон борар эканмиз, бизга ҳамроҳ бўлган биродарларимиздан қаҳрамонимиз ҳаётида рўй берган воқеалардан бир шингил эшитишга улгурган эдик. 80-йилларнинг охирларида қайсидир бир хўжалик кўрасидаги қўйлар тафтиш чоғида етмай қолибди. Ана шунда бир чўпон Акром ота Мирзаев хонадонига келиб, бир-икки кунга 30 та қўй бериб туришини сўрабди. Дарвозаси олдида бошини эгиб турган инсон олдида хижолат бўлган Акром ота қўйларни подага қўшиб берибди. Ана шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Ҳали ҳам омонатдан дарак йўқ. Бир-икки бор сўраб-суриштиргандан сўнг, дуо қилиб қўяверибди.

Атиги уч йил аввал Акром ота аёли ва катта қизи билан ҳаж сафарини ният қилибди. Мутасаддилар бу оилага фақат битта ўрин тегиши мумкинлигини айтишибди. Отахон ҳали вақти-соати келмабди, дея умидини узибди. Орада бир аёл келиб уларга савоб иш қилмоқ нияти борлигини айтибди. Бир умр ёлғон нималигини билмаган инсон савобталаб аёлга топган-тутганини олиб чиқиб берибди. Ана шундан буён ҳанузгача чинободлик ўша хотиннинг қораси кўринмас экан.

Ана шу икки ҳикояни эшитгач биз ҳам азбаройи хом сут эмган бандалигимизга бориб отахондан "кўприк қурилишига қанча харажат кетди", деб сўрабмиз. Отахон узоқ сукутдан сўнг, юзимизга қарамаган ҳолда "мен бу кўприкни миннат учун эмас, Аллоҳ йўлида савоб учун қилдим. Харажатни ҳисоблаганимда гуноҳ бўларди", деб жавоб қайтарди.

Пешиндан сўнг Аъламқишлоғидан йўлга чиқдик. Бу қишлоқда савобталаб инсонлар учун муаммолар бисёр эканлигини сездик. Юз-кўзидан нур ёғилиб турган Акром ҳожи ота Мирзаевнинг саховати ҳақида ўйлар эканмиз, Юртбошимиз "Савоб и ҳар ким қилиши керак, ҳар кунлиш керак" деган даъвати матини юрак-юракдан ҳис этдик. Юртбошимиз янги йилни "Меҳр ва ғурурувват йили", деб эълон қилди. Бу ҳақиқатда ҳам яна олам-олам мазмун. Ҳа, халқимиз меҳр-оқибатни ҳаёт бошига кўтарган. Шукрки, сағизда Акром ҳожи каби комил инлар бор. Шундай меҳри дарё инлардан ибрат олишга ожизлик қиламиз. Бу ожизлик замирида арволик ёхуд дунёпарастлик борасмикин? Яхшиси ана шундай саатпешаликлар қилган ва қилаётларга очиқ юз билан қарасак, қўллаб-қувватласак ва энг муҳими улардўрнак олсак, албатта "Меҳр ва мурувйили"ни кутганимиздан ҳам зиёда бўй.

Қобилжон АҒРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

КАМОЛОТ

ШИЖОАТНИ КАСБ ЭТИБ...

Ер юзида ахборот глобаллашуви инсонларнинг янгиликлар оламини яшашини тақозо этади. Бу жараён, айниқса, ёшларни ғафлатда қолмай, шижоат билан ўқиб, изланишга ундайди.

Ҳозирги замонавий ёшларга қўйиладиган барча талабга жавоб бериш - маънан ва жисмонан соғлом бўлиш (спорт олиш, спорт билан шуғулланиш), сўнгги русумдаги технологияларда ишлай олиш (компьютер, интернет ва ҳ.к.), чет тилини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилаяпман. Бу эса ҳар бир инсоннинг орзуларини унумли ўтказишга имкон беради. Тугалланаётган ўқув йили ҳам бу борада анча самарали ва ҳосилдор ўтди.

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистратура бўлими 1-босқичини аъло баҳолар билан якунладим. Шунингдек, бу йилда "Айдентекс" халқаро ташкилотининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва ёсослари" бўйича масофали ўқитиш курсида иштирок этиб, сертификат билан тақдирландим. Айни пайтда Республика оммавий ахборот воситаларида вазифамдан келиб чиқиб, "Камолот" ЁИҲ фаолиятини ёритиш, ёшларимиз муаммоларига доир ҳамда мутахассислигим – халқаро журналистика назарияси, истиқболига оид мунтазам чиқишлар қилдим.

Албатта, эҳтимол бу интилишларим у қадар таҳсинга лойиқ бўлмас. Бироқ 2003 йил мени янги йилда янада масъулият билан қўлган мақсадларимга эришишга замин яратганлигига аминман. Хусусан, келажак йилда магистр дипломини қўлимга олгач, Буюк Британияда ўқиш ва малака ошириб келиш, шу йўсинда хориж тажрибасини ўрганиш, сўнг уни тадбиқ этиш ниятидаман. Қолаверса, "Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш" мавзусида илмий ишимни якунлашни, бу соҳада етакчи мутахассис бўлишни режалаштирдим.

Дарвоқе, шахсий ҳаётимда янги йил катта ўзгариш ясашига умидворман.

Бинафша ҚАЛАНДАРОВА,
"Камолот" ЁИҲ матбуот котиби.

«ҲАММА КУНЛАРИНГ САОДАТЛИ БЎЛСИН»

(Боши 1-бетда)

Баъзи мамлакатларда яна уруш гирдоби одамларни ўз домига тортди, баъзи жойларда юзлаб одамлар террорчиларнинг зўравонлигидан азият чекди. Буни қарангки, баҳорнинг кеч келганини, бир-икки жойдаги майда ҳодисотларни айтмаса, бизнинг юртимиз бу бало-қазолардан, бу фалокат-у ҳалокатлардан омон қолди, ногаҳоний кулфатлар бизни четлаб ўтди. Ҳатто ғаламиз ҳам мўл-кўл ҳосил берди, ҳатто пахтамизни ҳам эсон-омон йиғиб олдик. Ҳўш, буларнинг бари мўъжиза эмасми? Ёки халқимизнинг иродаси, матонати, меҳнаткашлиги, эзгу ишларга садоқати учун Оллоҳ томонидан берилган энг катта мукофот эмасми?

Ўтган 2003 йил юртимиз учун жиддий силжишлар йили бўлди. Мустақиллик йилларида биз кам-камдан ҳар қайси йил қурилишлар йили бўлишига, шаҳар ва қишлоқларда катта ишлар амалга оширилаётганига анча ўрганиб қолдик. Лекин ҳар қанча ўрганмайлик бу жиҳатдан ўтган 2003 йил алоҳида йил бўлди, десак муболаға бўлмас. Бизнинг кўз ўнгимизда Тошкент бутунлай қиёфасини ўзгартириб, ҳар жиҳатдан замонавий тус олиб бормоқда – янги шоҳкўчалар, муаззам майдонлар, муҳташам бинолар, спорт иншоотлари, дам олиш масканлари, ўқув юртлари, соғлиқни сақлаш муассасалари... Санаб адо қилиб бўлмайди. Шуниси ҳам борки, бу янгиланиш жараёни биргина пойтахтимизда кечаётгани йўқ. Самарқанд бутунлай янгидан чирой очяпти. Икки йил Наманганга бормаган одам уни таниёлмай қолади. Андижонликлар ўз шаҳарларидаги ободончилик тўғрисида қонуний ифтихор билан сўзлайдилар. Маданий ҳаёт соҳасидаги янгиликлар-чи? Ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизимидаги ўзгаришлар-чи? Бу ўзгаришлар билан бир қаторда иқтисодий ҳаётда ҳам аста-секин силжишлар рўй бермоқда. Мана, ниҳоят 2003 йилда конвертация бобида ҳам муайян қулайликлар юзага келди. Менинг бу ерда ҳиндистонлик бир укам бор. Рам ўзи ҳали ёш бўлса-да, катта савдогар. У мустақилликнинг биринчи йиллари юртимизга келиб қолган ва ўзбекларни суйиб қолгани учун ҳамма қийинчиликларга чидаб, ишини давом эттириб келяпти. Конвертация ҳақидаги қарорни эшитиб, жуда хурсанд бўлиб кетди. "Мана, қўрасиз, - деди у менга мамнуният билан, - яна уч-тўрт йил ичида Ўзбекистон бутунлай бошқача бўлиб кетади. Иқтисодий ривожланишда, маъмурчиликда, арзончиликда у ҳамма қўшниларидан ўтиб кетади". Унинг бу башорати шунчаки ҳавойи гап эмас, бозорда ўсиб-улғайган, иқтисодий курашлар жараёнида суяги қотган, бу борада ҳар қандай силжишнинг қаёққа кетаётганини даррев пайқай оладиган одамнинг хулосаси эди. "Оғзингизга шакар!" дедим ичимда. Унга эшиттириб эса "Иншоолло!" деган гапни маъқулладим. Албатта, 2003 йилда муайян қийинчиликлар бўлди. Улар бундан кейин ҳам бўлади – ахир, инсон ташвишсиз, ҳаракатсиз яшай олмайди. Лекин ўтган йилнинг тамойиллари юртимизда ёруғ кунлар бошланиб келаётганидан далолат бериб турипти. Фақат кўзи очиқ бўла туриб, ҳеч нарсани кўрмайдиган ёки кўришни истамайдиган, ҳамма нарсадан бурнини жийришга ўрганиб қолган, бу дунёдан ҳикмат эмас, ғурбатгина қидирадиган одамгина бу кунлар учун чин юракдан шукроналар қилмаслиги мумкин.

Бугун эски йилимиз билан хайр-хўшлашар эканмиз, анъанага кўра янги йил тўғрисида ҳам тилаклар айтмоқ керак. Мен аминманки, бу йилимизнинг ҳам қутлуғ бўлиши ҳозирданоқ маълум бўлиб қолди, негаки Президентимиз бу йилни меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилди.

Оила йили, соғлом авлод йили, аёллар йили қарияларни эъзозлаш йили... Кўряпсизми – буларнинг ҳаммаси бир-бири билан чамбарчас боғланган насалар. Эсингизда бўлса керак – яқин-яқин ўтмишимиздаёқ қадриятлар анча қадрсизланиб қолган эди. Бугун Президентимиз қатъий бир изчиллик билан шуларни иклаш, ҳаётда қайтадан барқарор қилиш тўғрисида ўйлаяпти. Бу жуда-жуда муҳим, негаки, меҳр-мурувват ҳаёт виждон, инсоф, диёнат, имон каби жамиятни ушлаб турадиган рукнлар ёки устунлардир. Иқтисодий жиҳатдан ҳар қанча ўсиб кетмасин, жамиятда ана шу азали қадриятлар барқарор бўлмаса, бундай жамият устиллтирок, ичи қалтироқ бир жамият бўлишигина мумкин. Энг қувонарлиси шуки, масаланинг бу томонини ўқуқ англаган Президентимиз маънавий устунларимизнқайтадан тиклаш ишини давлат сиёсати даражасига тарди. Шоядки, бу хайрли иш ҳам бизнинг умумий ивожимизга қанот бағишласа...

Азиз дўстлар! Мана, янги 2004 йилни ҳам кути олдик. Мен аминманки, ҳозир ҳаммамизнинг кўнглимизда энг ёркин тилаклар, энг яхши орзу-ниятлар ўш урмоқда. Мен ҳамма юртдошларимнинг шу покиз ва эзгу тилаклари вожиб бўлишини тилаб қоламан. Юртимиз янада гуллаб-яшнайверсин. Бундай кунларда араблар бир-бирини "Кулли сана анта тойиб", деб муборакбод қилишади. Бу "Ҳамма кунларинг саодатли бўлсин" деган маънони билдиради. Мен ҳам бу йили мактубимни шу гўзал тилак билан тугатишни истайман: "Кулли сана анта тойиб!"

ТАРАҚҚИ

Ўтган 2003 йил чиноз[illegible]ошиғи олчи бўлди. Авва[illegible] Яратганнинг иноя[illegible]қонларимизнинг асто[illegible]меҳнатлари натижасида бар э[illegible]турларидан қутилгандан-даў[illegible]ҳосил етиштирилиб, йиғиб [illegible]

ЧИНОЗЛИКЛАР УЧ[illegible] ҚУТЛУҒ ЙИЛ

Туманимиз ғаллакорлари вилоятнинг биринчи бўлиб давлатга дон сотиш номавий режасини бажарган бў[illegible] фақат чиноздик пахтакорларгина [illegible] вилоятида давлатга пахта сотиш [illegible]ни бажардилар. 1250 тонна [illegible] деҳқонларга тарқатилди. Яқин[illegible] ичида ижарачи деҳқонларнинг [illegible] бунчалик кўп ғалла тўкилмаган э[illegible]

Пахтачиликда ҳам ҳосилдорл[illegible] йилга нисбатан етти центнер[illegible] Ўтган йилда туманимизда бир н[illegible] мактаб, қишлоқ врачлик пунктл[illegible] йўллар қурилди. Таълим муасса[illegible] капитал таъмирлаш учун 50 ми[illegible] пул ажратилди. 2003 йилда Чи[illegible]нидаги ҳар бир қишлоқда қайс[illegible] бир иншоот қурилди. Етти кил[illegible] ва олти километрга ичимлик [illegible]лари ўтказилди.Бу қилинган иш[illegible]ган иншоотлар аҳолига тиббий[illegible] маиший хизмат кўрсатишни яхш[illegible]мат қилади.Барча қилинган иж[illegible] одамларимизнинг ташаббуско[illegible] биркорлиги ва келажакка иш[illegible]лан боғлиқ.

Ҳа, чиноздиклар учун ўтган [illegible]ҳатдан қутлуғ, сердаромад йил[illegible]натда эришилган ютуқлар эса [illegible] томонлама ривожланиши, халқ[illegible] даражасини оширишга замин [illegible]лаётган янги йилдан ҳам умид[illegible]та. Катта режаларимиз бор. Н[illegible]бат бўлиши насиб этсин.

Йўлдош [illegible]ЕВ,
Чиноз тум[illegible]ли.

СИЙРЛ

Бу одам ҳақида ёзилажак мақолага шундай сарлавҳа қўйишга ҳақлимиз, деб ўйлайман. Чунки унинг қилган ишларини кўрсангиз, эшитсангиз, у ҳақда ёзилган мақолаларни ўқисангиз сиз ҳам худди шундай фикрга келишингиз шубҳасиз. Халқимизда "Сен учун бошқалар туш кўриб бермайди" деган нақл бор. Лекин ушбу гап бу киши учун айтилган эмас. У нимаики иш қилган бўлса, муҳтожларга, кам таъминланган оилаларга, етим-есирларга ёрдам беришни бош мақсад қилиб қўйган. Бу инсон қорақалпоғистонлик Ўзбекистон Қаҳрамони Оллониёз Ўтиниёзовдир.

СЕРСОЯ ДАРАХТ

Таҳририят топшириғига биноан Оллониёз Ўтиниёзов ишлари хусусида мақола тайёрлаш учун у жойлашган меҳмонхонага бориб, эшикни тақиллатдим. "Кираверинг" деган овоз келди ичкаридан.

Қаршимда кўринишидан 70 ёшлар атрофидаги, юз-кўзларидан пиру бадавлат отахонларга хос бўлган салобат ёғилиб турган, лекин анчагина бардам, қотмагина инсон турарди.

-Сиз ҳақингизда газетага ёзмоқчи эдим, - дейман салом-аликдан сўнг.

-Маъқул, - дейди у беозоргина жилмайиб. – Аммо менинг нимамни ҳам ёзасиз? Кўриб турибсиз, оддий инсонман. Оддийлигим шундаки, меҳнатни севаман. Қўлимдан ҳамма иш келади. Фақат бир нарсани, ёмонлик қилишни эплай олмайман, билмайман...

Дарҳақиқат, Оллониёз оғанинг ҳаёт йўли билан танишсангиз, айтганлари нақадар ҳақ эканлигига амин бўласиз. Унинг умр йўли турган-битгани савобли ишлар билан қоришиқ экан. Шунинг учун ҳам бу одам ҳақида кўп ёзилган. Шундай бўлса-да, у ҳақда кўп нарсаларни билмаймиз. Лекин бу одам ҳақида, бундайлар ҳақида қанча кўп ёзилса ҳам кам.

У 1961 йили институтни инглиз тили мутахассислиги бўйича тугаллаганидан сўнг, Нукус туманидаги ҳозирги 4-мактабда ўқитувчи бўлиб иш бошлади. У мактабда 40 йил ўқитувчилик қилди. Ва ана шу йиллар давомида ҳар меҳнат таъмилида биттадан уй қуриб, уни бокувчисини йўқотган, кам таъминотлиларга, етим-есирларга тухфа этди. 1985 йилда Хўжан овулида 50 ўринли болалар боғчаси, 2 та тиббиёт пункти қуриб берди. Кейинги йили эса Торли бўлимида ҳам шунча ўринли боғча ва кутубхона қуриб берди. Унинг бундай ишлари кўп эди. 1995 йилга келиб ҳозир ўзи яшаётган Нукус тумани "Нукус" ширкат хўжалигидаги мактабни ҳам таъмирлаб берди...

Ҳа, унинг бундай савобли ишларини санайверсак, адо бўлмайди. Оллониёз Ўтиниёзовнинг бундай савобли ишлари адоғсиз. У яна боғ яратишга ишқибоз. Ўзининг 14 гектарлик боғининг илк мевасини "Меҳрибонлик уйи"га элтиб берган эди.

Албатта, бундай ишларни қилишга одамда қандайдир маблағ бўлиши керак, ортиқча даромад керак, деган савол туғилиши табиий.

-Ҳаммасига меҳнат орқали эришилган, дейди қаҳрамонимиз. Ишонасизми, талабалик пайтларимда беш юз километрга пахта терардим. Шунинг учун мени тенгдошларим "машина" деб аташарди. Меҳнат қилсанг хор бўлмайсан. Меҳнат қилгандаям чин кўнгилдан ишлаш керак. Шунда ютқазмайсан. Шундай одамлар бор, илмли, таниқли, керагидан зиёд мол-мулки бор. Лекин унинг бойлигидан ҳеч кимга наф йўқ. Сўзи бошқа, иши бошқа. Ундайлардан сақласин. Сенинг кучингдан, билимингдан халқ баҳраманд бўлсин. Бундайларни эса азамат дейди. Азамат одам эса туман одам билан тирик. Деҳқон одам эса ер билан.

Оллониёз оға шубҳасизки, ўзи айтганидай азамат инсонлардан. У ҳали ҳам меҳнатни қадрлайди. Дунёда энг қиммат ва ҳаётбахш ҳодиса – меҳнатли мавжудот одам, сўз эса вақт дейди у яна. Шу туфайли вақтни ғаниматлаб, меҳнат қилди. Ҳалол меҳнат, "Саховат" номланган боғини [illegible]нада кенгайтириб, 40 гектарга етказ[illegible]ди. Яқинда банкдан кредит олиб "Олий" трактори олди. Фермерликка ҳам ер[illegible]моқчи. Ҳулласи, ниятлар холис. Ишлар[illegible]равж, барда[illegible]вом.

Албатта, юртимизда бу[illegible] саховатпеша, ҳалол, пок инсонлар[illegible]сёр. Уларнинг меҳнатини улуғлаб, [illegible]ларини шарафлаш эса уларни янада[illegible]ҳомлантиради, эзгулик ишлари сар[illegible]ндайверади. Қолаверса, савоб ҳеч ка[illegible] беиз кетмайди. Оллониёз Ўтиниёзовнинг [illegible]ҳатлари ҳам зое кетади. Энг асосийси, у[illegible]воб билан ёнма-ён яш[illegible] келмоқда. Унинг [illegible]ҳатлари қатор унвон[illegible]р билан тақдирланди. "Меҳнат шуҳрати" ордени сохиби. Б[illegible]ниҳоят у ўтган йилда ҳукуматимиз [illegible]монидан "Ўзбекистон Қаҳрамони" де[illegible] унвонга лойиқ деб топилди.

-Қоратол номли дарахт б[illegible], - дейди Оллониёз оға. – Ана шу [illegible]рахт тагида 50-60 киши бемалол [illegible]ялаши мумкин. Яна бир хил дарахт [illegible]ладики, сояси ўзидан ортмайд[illegible] Инсон ҳам шундай. Яшаяпсанми с[illegible]нг ишларингдан одамлар бахрам[illegible]бўлсин. Сенинг меҳнатинг қадрланси[illegible] ҳоланси[illegible]н. Шунда роҳатланасан, ху[illegible]ланиб, дам оласан. Менинг меҳнатл[illegible]мнинг юксак баҳоланиб, "Ўзбекисто[illegible]Қаҳрамони" деб тан олинишим э[illegible]бутун қорақалпоқ элига бўлган эъ[illegible]тиборидир.

Бугун юртимизда бу инсонн[illegible] ишларини билган, керак бўлса, [illegible]ндай инсонлар хоҳиш-иродасини и[illegible]батга олган ҳолда қилинаётган ҳаракат[illegible] кам эмас. Ҳалолликни, инсонпарв[illegible]кни шиор билган, эл-юрт учун ўзини[illegible]масдан хизмат қилиш каби хислатлар[illegible]ўзига мужассамлаштирган инсон ҳа[illegible]ом ардоқда.

Оқсоқолнинг қилаётган ишла[illegible]кам ҳали-вери ниҳояланмайди. Зеро, [illegible]воб ишнинг, яхшиликнинг чек-чегара[illegible]ўқ. Биз бунга ишонамиз. Ва яна айтиш[illegible]мкинки, келажакда Қаҳрамонимиз[illegible]би инсонлар, савобталаблар кўплаб [illegible]лади. Олийжаноб фазилатли инс[illegible]ар кўпаяверсин, деб қоламиз.

Дилшод УЛУҒМУРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ЁРУҒ НИЯТЛАР

Саид АҲМА[illegible]истон Қаҳрамони:

- Инсониятн[illegible]ият сари юз буришдан ўзга чораси қолмади. Янги [illegible] бир хонадонни, ҳар бир инсон қалбини маънави[illegible]итсин.

Олланазар[illegible]ОДОВ, тиббиёт фанлари доктори, Нью-Йор[illegible]академияси аъзоси, профессор:

-Дунёда ти[illegible]ин. Халқимиз дастурхони файз-барака тўлсин[illegible]ортдошимга соғлиқ, омонлик тилайман.

Зойир МА[illegible], Денов тумани "Чағаниён" газетаси бош м[illegible]

-Ёғин-сочи[illegible]а бўлиб, янги йилда ҳам далаларимизда буғд[illegible]к бўлсин. Хирмонларимиз ҳосилга тўлсин.

Муҳамма[illegible]ЛАЗАРОВ, Тошкент Давлат иқтисодиёт униве[illegible]ватта ўқитувчиси:

-Ёш авло[illegible]шини ҳеч қачон ўзбекона урф-одат, одоб-ахлоқ[illegible]и тарк этмасин.

Шоберд[illegible]ОЛТАЕВ, Ўзбекистон халқ бахшиси:

-Элимга[illegible]ҳеч кўрмасин ёмонлик, оиласига тўй-томоша, ку[illegible]расин тоғлар оша, полвонлар кўнглида ўт чақнаб, [illegible]ёшларни алқаб, ўзбек бўлиб дунёда, кўнгил тўл[illegible]келимизда куч-қувват, кўрсатиб меҳр-мурувват, [illegible]мон бўлсин, эзгулик томон бўлсин!

Сарвар[illegible], ЎзМУ талабаси:

-Ота-он[illegible]нинг оддий инсонлари. Ишлашга ери-миз бор.[illegible]й экади, онам нон ёпади. Аслида мен учун шуни[illegible]. Улар омон бўлишсин!

Нурул[illegible]ВА, Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний[illegible]Б ходими:

-Дарёл[illegible]у йил ҳам сув тўлиб оқсин. Еримизни яшиллик[illegible]н. Мен янги йилимизда ҳам ҳосилимиз мўл бўли[illegible] кўнгли хотиржам бўлишини ниятқиламан.

Эргаш[illegible]В, муҳандис:

-Спор[illegible]ки дунёга таралмоқда. Ўзбекистон ҳаётида бир [illegible]улик воқеа-ҳодисалар кўп бўлсин. Дунё бизни х[illegible]тан оламверсин!

ҒУР ҒУЛОМ ГИРАСИГА

[illegible]иётида "Ғафур Ғулом Андижонда" ки[illegible]да босмадан чиқарилди.

-Бу[illegible]ек халқининг забардаст адиби ва шоири Ға[illegible]инг ижоди, ўлмас асарларига андижонлик м[illegible]нг ҳурмати ва муҳаббати ифодасидир, - деди[illegible]шриёти раҳбари Усмонжон Шукуров "Тур[illegible]сс" мухбирига.

Ки[illegible]дибнинг дўстлари, сафдошлари, адабиётимиз [illegible]ининг хотиралари, Ғафур Ғуломга бағишлан[illegible]нинг шогирдларига, дўстларига ёзган мактуб[illegible]н сафарларидан илҳомланиб ёзган асарлари, [illegible] ҳужжатлар ва фотосуратлар киритилган.

МАКТАБ ЯРАТГАН РАИС

Муҳаммаджон Аҳмедов бугунги кунда Бухоро туманидаги "Маданият" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раҳбари. Бу ерда иш бошлаганига ўн етти йилдан ошиқ вақт ўтди. Ўн етти йил ичида кўп савобли ишларни қилди. Қўриқ ерларни ўзлаштирди, 24 гектар ерга турли хил мевали ва манзарали дарахт ниҳолларини эктириб, боғу роғлар бунёд қилди. Ҳиссадорлик жамиятига қарашли сутни қайта ишлайдиган кичик корхонага чет эл технологиясини келтириб, янги, замонавий қадоқлаш ишларини йўлга қўйди. Айни пайтда бу ерда турли хил сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу қурилишга оз эмас, кўп эмас 287 минг АҚШ доллари сарф қилинди. Ўн саккиз киши иш билан таъминланди.

-Собиқ тузум замонида халқимиз кўп нарсаларни бой берди, - дейди у киши. - Миллий урф-одатларимиз, маънавиятимиз, маданий бойликларимиз, иқтисодиётимиз тамоман издан чиққан эди. Айни пайтда ҳаётимизда кечаётган ривожланиш жараёни таърифга сиғармикан? Иқтисодий ўсиш, маънавиятимиздаги ўзгаришлар аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

КАМОЛОТ

Одам боласи дабдурустдан улғайиб қолмайди. Унинг маънавий юксалиши ҳам шундай. Ҳамма нарсанинг вақти-соати, ўсиш жараёни, мураккабликлари бор. Мураккабликлари шундаки, улғайиш жараёнида инсон ташқи таъсирларга рўбарў келади. Аниқроғи, атроф-муҳитга, жамиятга, одамларга ўзини мослаб боради.

Муҳаммаджон ака бошқа эркин фикрли одамлар сингари эски тузумнинг қанчалик зулм-зўравонлик устига қурилганини яхши тушунарди. Бироқ, қандай бўлмасин, элу юрт, азиз Ватани учун меҳнат қилиш керак эди. Бундан ўзгача йўл йўқ эди. Нима ҳам дердик, инсон ҳамма нарсага чидар экан. Пахта яккаҳукмронлиги, турли хил камситишлар дегандек...

"Камтарга камол" дейди доно халқимиз. Мана шу яхши хислат Муҳаммаджон Аҳмедовнинг рутбасини баланд қилди. Камтаринлиги билим-заковати туфайли обрў топди, мансабмартабага эришди.

МОМОЛАР ДУОГА ҚЎЛ ОЧДИ

Ўтган йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг ўзидан яхшигина даромад олган, 17 мингдан зиёд аҳолиси бўлган "Маданият" ширкат хўжалигини серфарзанд, бой оилага ўхшатиш мумкин. Ундаги ишбилармонлик, хўжалик раҳбари Муҳаммаджон Аҳмедовнинг ишни ташкил қилиши эса – ўргангулик. Хўжалик ҳудудида 11 та боғча, ҳаммом, клуб, жувоз, тегирмон, 7 мактаб ишлаб турибди. Яна биттадан, иккитадан эмас, тўрттадан хонадонларнинг кўча томони шарқона усулда пишган ғишт билан ўралган, газлаштирилган. Оилалар айниқса, кунига 2 тонна сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқараётган кичик корхона хизматидан хурсанд. 7 гектар ер майдонида етиштирилаётган сархил мевалар хўжалик меҳнат аҳлини хурсанд қилган бўлса, 2001 йилнинг Наврўз арафасида ширкатнинг ўз маблағи ҳисобидан қурилган 644 ўринли мактаб биноси отаоналарни, ўғил-қизларни ҳам шу даражада суюнтирмоқда. Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак деганидай, хўжаликнинг товуғи ҳам (тухуми билан) дони ҳам, пахтаси ҳам, суви ҳам, мевали боғи ҳам, қўй-қўзилари ҳам кўп.

Юқорида биз хўжаликни бой-бадавлат оилага ўхшатдик. Ундаги савобли ишларга, мачитга, осори-атиқалар тиклашга катта миқдорда маблағ ўтказилганидан ташқари, ёлғиз бир гуруҳ нуроний онахонлар.

-Одам оиласининг тинч-тотувлиги ва дастурхоннинг тўкинлигини қандай ўйласа, раҳбар киши жамоанинг даромади, эл-улуснинг яшаш шароитлари ҳақида ундан кўпроқ қайғурмаса бекор, - дейди Муҳаммаджон Аҳмедов. – Яширишнинг нима кераги бор, ишлайдиган одам, аввало кўпроқ маош олишни, яхшироқ яшашни ўйлайди! Бу ҳақиқатни бозор иқтисодиёти деган гаплар пайдо бўлгач, ошкора тан ола бошладик. Ширкатда тер тўкаётганларга ўз вақтида маош бериб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Бундан ташқари уларга пахта ёғи, буғдой ва бошқа маҳсулотлар ҳам тарқатилмоқда. Жамоамизда қўплаб пудратчилар меҳнат қилади. Биз асосан шаҳарликларни мева-сабзавот, полиз, узум билан таъминлашга хизмат қиламиз. Яна бир гап. Албатта, ҳозирги кунда техникани юргизиш қийин. Бензиннинг нархи ошган, эҳтиёт қисмлар тақчил. Лекин, тадбиркорликни ишга солиб эплаяпмиз. Бундан ташқари, хўжалигимиз ўзининг "Кейс" русумли ўрим комбайнига эга. Мавсумда бу техника ёрдамида қўшни хўжаликларнинг ғалла майдонларини ўриб бердик. Натижада анча-мунча маблағ ҳам ишлаб олдик.

БИР ҚИШЛОҚДАН БЕШ ЧЕМПИОН

Даврадаги баковул қўр айланиб жар солди:

-Ҳо-о-о одамлар, эшитинглар!

-Қаршидан Мухтор полвон келган. Ким шунга талабгор бўлса, мана майдон! Ким бор-ов!

Қозондай қайнаб турган катта давра жим. Давра шаклида ўтириб олган одамларнинг хаёллари ҳам ўй: "Муҳаммад полвон нега жим? Собир полвон қаерга кетдийкин? Энди рақиблар бизга сираям гап бермайдиган бўлди-да?"

Шу пайт ҳеч кутилмаганда даврага узун бўйли, хипчадан келган ёшгина йигит отилиб чиқди. Ортидан икки-уч киши чопиб келиб унинг ўнгиридан тортди:

-Муҳаммад сен ҳали ёшсан... Ўзингни бос. Нима қиласан ёшликдан майиб бўлиб.

Муҳаммад ёш, чапани эмасми, шу заҳотиёқ ўнгиридан тортганларни қўлларини қайириб ташлади: "Қўйингизлар, йиқилсам ер кўтаради. Қолаверса, мен ўз қишлоғим шаънини ҳимоя қиламан". Даврабоши қўл кўтарди:

-Бир ҳўкиз ва яна бир қўйи бор. Ҳалол олишиб олинглар. Омин!

Полвонлар анча айланди, анча тутоқишди. "Ё пиримдан", деган ингроқ тикилиб турганларни анча сергаклантирди. Давра атрофидагилар кўп ўтмай қувончдан, қичқира бошлашди:

-Баракалла, Муҳаммад! Яша, Муҳаммад! Ота-онангга, элингга минг раҳмат!

Қувончдан ҳансираётган йигитнинг олдига 70 ёшли чол югуриб келди.

-Яша, ўғлим! Йигитнинг зўри шуйтиб юртнинг орини олади. Сен ўзинг қаердансан? Отинг ким, зотинг ким?

-Бухоро туманиданман. Деҳқочи қишлоғидан.

Чол «баракалла, курагинг ерга тегмайдиган полвон бўл», деб узоқ дуо қилди.

Шундан кейин 10-синфда ўқийдиган Муҳаммаднинг исмига полвон сўзи қўшиб айтиладиган бўлди.

Муҳаммаджон ака ҳикояни шу ерга келганда тўхтатди. Пиёладаги аччиқ чойдан хўплади. Мен эса полвонга анчадан буён ўйлаб юрган саволларимни бера бошладим.

-Устозингиз ким?

-Мен жаҳон чемпиони Собир Қурбоновни ўзимга устоз деб биламан. У билан биз бир қишлоқда вояга етганмиз.

-Муҳаммад ака, қачондан бошлаб кураш тушасиз?

-Ота-боболаримиз ҳам чавандоз-полвон бўлишган. Шунданми, болалигимданоқ тўй курашларига қатнашганман. Ўн беш ёшдан бошлаб бел олишаман.

-Полвонлик ота касб экан-да?

-Йўқ, бу касб эмас – кўнгил иши. Чунки, қонида бўлмаса, ҳеч бир полвон кураш туша олмайди.

-Курашдаги нималарга қаршисиз?

-Айрим полвонларнинг ғирромликларини сираям ёқтирмайман. Олишда отангни аяма, дейишади. Қолаверса, бу Алининг майдони. Кимни кучи кўп бўлса ўша ютади.

-Сиз полвонлик қилиш билан бирга Бухородаги энг пешқадам ширкат хўжалигини ўн етти йилдан буён бошқариб келаяпсиз. Ширкатда спортга бўлган эътибор қандай?

-Мен курашни, олишни жони-дилимдан ёқтираман. Шу сабабдан ҳам бу ерда спортга жиддий эътибор берилади. Ҳозирда хўжаликдаги спорт залида юз нафардан ошиқ болалар спортнинг кураш тури билан шуғулланишмоқда. Уларга беш нафар тажрибали мураббийлар сабоқ беришмоқда. Мураббий Фатхулла Холиқов 30 нафар қизалоқларга ҳам кураш сирларини қунт ва сабот билан ўргатмоқда. Яқинда Тошкентда ўтказилган республика мусобақаларида Мунира Холиқова, Соҳиба Холиқова сингари курашчи қизларимиз муваффақиятли иштирок этишиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Бундан ташқари хўжаликда спортнинг бошқа турларига ҳам жиддий эътибор берилмоқда.

-Айтишларича, спортнинг хўжалигингиздан чемпионлар етишиб чиққан дейишади? Булар кимлар?

-Биласизми, йўқми бизнинг Деҳқочи қишлоғидан беш нафар жаҳон чемпионлари чиқишган. Булар Собир Курбонов, Акобир Қурбонов, Шуҳрат Очилов, Рауф Болтаев, Ҳасан Мавлоновлардир. Яқин келажакда бу гўшадан яна кўплаб полвонлар жаҳон мусобақаларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришларига ишонаман.

-Йиқилганингизда ўзингизни қандай тутгансиз?

-Зўрнинг зўрлигига қойил қолмаган номард. Йиқилдимми, жиззакилик қилмаганман. Мен йиқилганим йўқ, мени ҳалол йиқита олмади, дея бақириб ҳам ётмаганман. Бу полвонлик шаънига иснод.

-Болалар нечта?

-Раҳматли келинойингиз билан 4 ўғил, 2 нафар қизни вояга етказдик. Гулнора ва Гулшан - ўқитувчи. Фурқат - шифокор. Энг кенжа ўғлим Рашиджон Бухоро Давлат университетини тугатди. У ҳозирда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаяпти. У ҳам курашни ёқтиради.

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР

ХОТИМА

Муҳаммаджон раис аввало, ҳар бир ишни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилади. Меҳнатсевар, ўта тадбиркор кишиларга ҳаваси келади. Тўғрисўз, ҳалол, шафқатли бўлиш, холис ниятлар билан яшаш керак, деб ўйлайди.

Қадимда ровийларнинг ривоят қилишларича, Луқмоннинг хўжаси бу-юрдики, буғдой эккин, деб. Аммо Луқмон арпа экадилар. Хўжалари деди:

-Мен сенга буғдой эккин, дегандим. Нега сен арпа экдинг?

Луқмон айтади:

-Арпа эксам, буғдой чиқмасми?

Хўжалари айтди:

-Э, хўжам, нега ёмонлик қилиб, яхшилик умид этяпсиз?!

Хўжа гуноҳини билиб, тавба қилиб, яхшилик йўлига қайтди.

Қиссадан ҳисса шулки, киши дунёда қандай иш қилса, шунга яраша мукофотини олади. Келажакни ўйлар эканмиз, аввало бугун босаётган қадамимизни эзгулик сари йўналтиришимиз лозим.

Муҳаммаджон ака билан суҳбатимиз узоқ давом этди. "Қанча майдонга нима экилган, режа ошиғи билан уддаландими?" деганга ўхшаш сийқа ва майда саволлардан қочишга ҳаракат қилдим. Биз у киши билан турли хил мавзуларда баҳамжиҳат, бафуржа гаплашдик. Ҳарчанд қаршилик кўрсатишимга қарамай, мени шаҳар марказидаги бекатгача кузатиб қўйди. Мен у кишининг ҳузуридан кўтаринки кайфият билан қайтдим.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

"ЭГАМБЕРДИ КАРВОН" САРҲИСОБИ

Ўтаётган йилимизда ҳар жабҳада ислоҳотлар самараси кўзга ташланди. Барча тармоқлардаги ютуқларимиз ҳаётимиз фаровонлиги, халқимиз турмуш тарзининг яхшиланиши, қишлоқларимиз инфратузилмаси шаклланишига хизмат қилди.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодий йўналиш бўйича юргизилган сиёсатнинг тўғрилиги ҳаётда ўз исботини топаяпти. Юртимиз тараққиёти, айниқса, қишлоқ хўжалиги равнақи билан боғлиқ ҳужжатлар – Президент Фармонлари, ҳукуматимиз қарорларида кўзда тутилган мақсадлар амалий жиҳатдан куч-қудратга эга эканлигининг натижаларини ҳис қила бошладик. Биргина ерга эгалик ҳиссини ошириш, кишилар тафаккурида мулкчиликнинг намунавий ифодасини шакллантириш тармоқдаги ислоҳотларимизнинг асосий негизини ташкил қилди. Айниқса, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, фермерчиликка эътибор қаратиш халқимиз ризқ-насибасининг бутлиги, дастурхони тўкин-сочинлигининг мезони эканлигини ҳар қайсимиз англаб етдик. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Сир эмас, айрим ширкат хўжаликлари давлат олдидаги режасини уддалай олмай турганда, фермер хўжаликларидаги ҳосилдорлик кўрсаткичи кўзланган маррадан ҳам юқори бўлаяпти. Бу ерга эгалик туйғусининг баландлиги нишонаси, деҳқон ерга меники, ўзимники деб ёндашиши аломати. Чунки, ерни парваришлаш, ерни тўйдириш, ундан келадиган даромаддан оиласи, ўзи, фарзандларининг манфаатдорлигини англаш, деҳқонда ер билан тиллашиб, диллашиб ишлаш туйғусини ўстиради.

Бугун республикамизда юзлаб илғор фермер хўжаликлари ҳамда фермерлар фаолият юритаяпти. Фермерчиликни янада ривожлантириш учун кўрилган барча чора-тадбирлар, қабул қилинган қатор ҳужжатлар, мамлакат миқёсида аграр соҳани тараққий эттиришга қаратилган қўлланмалар, умуман, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш бугунги кунда давлат сиёсатига айланиб турибди. Буни тушуниб етган ҳар бир фермер, қишлоқ хўжалиги ходими бўладими, оддий деҳқондан тортиб раҳбаргача елкасидаги масъулиятни ҳис этиб меҳнат қилаяпти. Айтиш жоизки, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги халқимизнинг эртанги куни, юртимизнинг тақдир аъмолига дахлдор соҳа бўлиб турибди. Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессиясида ҳам Президентимиз бу борада алоҳида тўхталиб ўтди. Қишлоқда яшайдиган одамларнигина эмас, балки бутун мамлакатимиз аҳли турмуш тарзини яхшилаш, Ватанимиз иқтисодиёти қалити қишлоқ хўжалигида, аниқроғи деҳқоннинг қўлида эканлиги уқтирилди.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида ҳам донгдор фермер хўжаликлари талайгина. Шулардан бири "Эгамберди карвон" фермер хўжалигига Маҳмуд ака Эгамбердиев раҳбарлик қилади. Мазкур хўжалик сурункали йиллардан бери карвонбошилик қилиб келаяпти. Ўтаётган йилларда жами 356,6 гектар майдонга уруғ қадалади. Шундан 129,8 гектарга пахта, 120 гектари эса ғалла майдонини ташкил қилади. Хўжаликда 216 нафар киши ишлаяпти.

Натижалар чакки бўлмади: режадаги 351 тонна ўрнига 357,5 тонна пахта, 504 тонна ўрнига эса 567,3 тонна ғалла ҳосили топширилди. Агар етиштирилган мўл ҳосил эвазига келадиган даромадни ҳисоблайдиган бўлсак, фермер хўжалиги аъзолари иқтисодий жиҳатдан ўз турмуш тарзини анча яхшилаб олганлигини айтиб ўтиш кифоя. Шу йилнинг ўзида фермер хўжалигининг пахтадан топган маблағи 89725,0 минг сўмни ташкил қилади. Ғалла бўйича бу борадаги кўрсаткич эса 43977,5 минг сўмни ташкил этди. Демак, фермер хўжалигининг ҳар икки тармоқ бўйича қўлга киритган маблағи 133702,5 минг сўмга етди. Бу рақамнинг фермер хўжалиги ғазнаси учун нечоғлик аҳамиятга молик эканлигини мутахассислар, иқтисодчилар яхши билишади, албатта.

Фермер хўжалиги ишчиларини моддий жиҳатдан пул маблағи билан рағбатлантириш тартиби жорий этилганлиги ҳам меҳнат унумдорлигини ошираяпти. 3881,9 минг сўм моддий ёрдам учун сарфланди.

Хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатиш, қўли калта, иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган айрим хонадонларга беминнат кўмак бериш асл мусулмоннинг иши. Одамийлик фазилатининг энг юксак чўққиси бу. 3 миллион 613 минг сўм маблағ хайрия учун, етимесирларнинг кўнглини олиш учун ажратилди. Ҳозиргача фермер хўжалигида ишчиларга иш ҳаки учун 26 миллионга яқин маблағ сарфланди.

Хулласи, фермер чинакамига ишласа, ишнинг кўзини билиб тер тўкса ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам боқади. Энг муҳими, ерни алдамайди. Ерни тўйинтиради. Ўз вақтида ерга дам беради. Ернинг қувватига қувват қўшиш чораларини излайди.

Фермерчиликнинг афзал томонлари шундаки, жойларда бу соҳага эътибор қаратилганлиги, қишлоқ хўжалиги маданиятини юксалтириш, тармоқда ислоҳотларнинг кенг қулоч ёйиши учун ҳам пойдевордир.

"Эгамберди карвон" фермер хўжалигида ҳам барча имкониятлардан самарали фойдаланаётган ернинг чинакам эгалари бел боғлаб меҳнат қилишаётганини ҳис этдик. Янги йилда мазкур фермер хўжалигига янада улкан зафарлар ёр бўлишини истаймиз. Келаси йил ҳам улар карвоннинг олдида, карвонбоши бўлиб юришсин, деймиз!

Ҳанифа ШАМШИЕВА

ТАДБИРЛИ ТАНГ ҚОЛМАЙДИ

Раҳбар қандай одам бўлиши керак? У қайси фазилатлари туфайли одамларни эргаштира олади? Раҳбарлик қобилиятининг мезони нима? Халқ ичида обрў топиш, эл назарида бўлиш, шу билан бирга ишлаб турган вазифасини қойилмақом қилиб адо этишми?

Аммо, бунинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор, албатта. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган масъул раҳбарларга ҳеч қачон осон кечмаган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Об-ҳаво инжиқликлари туфайли деҳқоннинг бир ташвиши ўн бўлиб турган, қайта-қайта уруғ қадашга мажбур бўлинган кезларда ҳам омилкорлик билан, ишнинг кўзини билиб иш юритиш, деҳқончилик сирларини пухта эгаллаб, ҳар қандай вазиятда мустақил тарзда чора-тадбир кўллаш етук раҳбарнинг асосий, ўзига хос жиҳати эканлигидан далолат беради.

Кейинги пайтда қишлоқ хўжалиги тармоғида кечаётган ислоҳотлар, соҳа мутахассисларидан ҳам тадбиркорликни талаб этаяпти. Жойлардаги ҳокимлардан тортиб, хўжалик раиси, қолаверса, оддий ижарачи ёки фермергача деҳқончилик маданиятини яхши билиши, парваришга муҳтож заминни авайлаши, ер тўйса, эл тўяди, деган ақидага амал қилиши лозим.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам Президентимиз шу масалага эътибор қаратдилар. Қишлоқ хўжалигини кўтариш, бу борада мавжуд масалалар ечимига барҳам бериш долзарб вазифага айланиб турганини таъкидлади. Ва, мазкур соҳага бевосита тегишли раҳбар ва мутасаддилар зиммасидаги масъулият яна бир бор эслатиб ўтилди. Мазкур тизимни бошқариш, қишлоқ хўжалигидаги мураккаб вазиятни ўнглаш, бу борада қабул қилинган қарорларни амалга татбиқ этиш соҳанинг энг юқори поғонасидан энг қуйи поғонасигача бўлган раҳбарларни ишчанлик ва талабчанлик хусусиятга эга бўлишга ундайди.

Тадбирли танг қолмайди, деган гап бор. Энг аввало, ҳудудларда ҳосилдорлик юқори бўлиши, халқ турмуш тарзининг яхшилашуви бевосита раҳбарнинг уддабуронлигига боғлиқ. Халқ билан тил топишиб, унинг оғирини енгил қилишга чоғланган раҳбарлар доимо элнинг эъзозида бўлади. Бундай жойларда хирмонга барака ҳам инади. Одамларнинг юриш-туришида хотиржамлик сезилади.

Булардан кўринадики, қишлоқ хўжалиги равнақи – юрт иқтисодиётининг муҳим мезони. Юртимизда бу борада қатор ютуқларга эришган пешқадам хўжаликлар талайгина. Шулардан бири Янгийўл туманидаги "Ниёзбош" ширкат хўжалиги. Хўжаликнинг нафақат вилоят, балки республикада ўзига яраша довруғи бор.

Ниёзбошликлар бу йил ҳам пешқадамлар сафида бўлишди. Энг муҳими, 30 мингдан зиёд аҳолиси бор хўжаликда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, кишилар турмуш даражасини оширишга муҳим эътибор қаратилган. Қишлоқдаги одамлар ҳаёт даражасини яхшилаш, фаровонлигини таъминлаш, оддий инсонлар ташвиш-ўйини биринчи галга қўйиш, ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш масаласи бугуннинг асосий вазифаси бўлиб тургани сир эмас.

ЙИЛ СЎНГГИДАГИ УЧРАШУВ

Гўзал ва кўркам гузарлар, маиший хизмат уйлари, дам олиш ва даволаниш масканлари, боғча, мактаб, турли хил тарбия ўчоқлари, болалар спортини ривожлантириш йўлида қилинаётган ишлар - бари бир сўз билан айтганда, ислоҳотлар ислоҳотлар учунмас, ислоҳотлар инсон учун, деган буюк ақиданинг исботи Ниёзбошида ҳаётий тасдиғини топганини кўрсатиб турибди.

Хўжалик раҳбари Абдуғани Юсупов билан қилган суҳбатимиз чоғида у киши асосан бир фикрни ботбот такрорлади. Яъни: "Инсон бахтини ўз оиласида, юртида, элдошлари ичида топади. Ишидан қониқмоқчи бўлган одам, энг аввало, мақсади йўлида иродасини собит этиб, тинимсиз меҳнат қилиши лозим. Раҳбар одам кўпроқ оддий деҳқон билан гаплашиши керак. Рост ва самимий гапни деҳқон айтади. Деҳқоннинг эса ҳеч қачон меҳнати енгил бўлган эмас".

Барибир хўжаликнинг иқтисодий аҳволи ҳақида гап кетаркан, рақамларга эътибор қаратмай иложимиз йўқ. Рақамлар халқ меҳнати самарасининг кўзгуси. Аввало, деҳқон олган даромаддан сўз очсак. Ўтган йили 1 миллиард 5 миллион сўм даромад олинди. Бу йил эса бундан ҳам кўп маблағ деҳқон қўлига тегади. Сабаби, бу йил ҳосилдорлик 108 фоизга етди. режадаги 3131 тонна ўрнига 3378 тонна пахта хом ашёси давлатга юқори навларга топширилди. 540 та оилавий пудратнинг ҳар қайси оиласи камида 5-7 тоннадан пахта териб топширди. Терим 21 кунда якунланди. Вилоятда учинчи бўлиб режа уддаланди.

Хўжаликда 2180 гектар ерга уруғ қадалган. Шундан 1150 гектари пахта, 1000 гектари эса ғалла майдони. Ғалладан ҳам пахта сингари режалар ортиғи билан уддаланди. Ғалла ҳосилдорлиги 50,3 центнерга етди. Бу рақамларни айтиш ёхуд қоғозга ёзиш осон. Бироқ, уларнинг ортида қанчалаб машаққатли меҳнат ётибди. Бу кўрсаткичларга пешона тери эвазига эришилади. Албатта, йил якунида дўппини бир ёнга олиб, йил давомида нималар қилинди-ю, нималар армон бўлиб қолди, ўтган кунларимизнинг қайси жиҳати бизни қониқтиради, кечган кунларимиздан биз хурсандмизми, деган ички ўйлар ҳар биримизнинг хаёлимиздан ўтади. Сарҳисоб қиламиз. Эртанги кун умидида ёруғ режалар тузамиз.

Хўжалик аҳлининг бу йил кўнгли тинч. Деҳқончиликнинг чўғи баланд келди. Энди кейинги йил ҳосили учун белни мастаҳкам боғлаш олдидан улар бир озгина тин олишади. Сўнгра яна дала. Иш. Яна ер билан тиллашиш. Яна яхши ўй ва ниятлар билан она тупроққа умид боғлашади.

Хўжалик раҳбари биз билан суҳбат сўнгида яна шундай деди: "Йил охирида хурсанд бўлиш яхши. Бироқ, юракка ғулғула тушади. Сабаби, умр ўтаяпти. Фақат одамларнинг сенга бўлган самимияти кўнгилга далда бўлади. Яратган элюрт назаридан айирмасин. Қанча меҳнат бўлса тўрт мучамиз соғ экан эплаймиз. Биз даланинг одамимиз..."

Қайтаётиб, ўйладим. Деҳқон одамнинг гапи ҳам кўнгли каби ёруғ бўлади. Содда, лекин юки оғир фалсафалардан қолишмайди. Инсон умрининг мазмуни эса юқорида Абдуғани ака айтгани каби элнинг назаридан четда қолмасликдадир.

Ҳ. РАСУЛОВА



Суғурта қилиш учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.
Internet: www, agros. uz

Тошкентда – Мовароуннаҳр кўчаси 13-уй, тел: 133-31-89, Лутфий кўчаси – 18-уй, тел. 78-28-39, 120-67-02,
Нукусда – Татибаева кўчаси – 48-уй, тел. 25721, 25719,
Андижонда – Навоий кўчаси – 126-уй, тел. 251221, 253533,
Бухорода 705006, Бухоро шаҳар, Низомий кўча – 6 уй, тел. 39910, 33370,
Жиззахда 708000, Жиззах шаҳар, Заргарлик маҳалласи – 7-уй, тел. 65750, 67823,
Қашқадарёда – 730000, Қарши шаҳар, Мустақиллик кўчаси – 2-уй, тел. 11270, 11493,
Навоийда 706810, Кармана шаҳар, Қаршиева кўчаси – 29-уй, тел. 23636, 23046,
Наманганда – 716000, Наманган шаҳар, Навоий кўча – 9-уй, тел. 61032, 64510,
Самарқандда – 703005, Самарқанд шаҳар, Ўзбекистон кўчаси – 51-уй, тел. 310785, 337191,
Сурхондарёда – 732008, Термиз шаҳри, Гагарин кўчаси – 36ᵃ-уй, тел. 37802, 37728,
Сирдарёда – Гулистон шаҳар, Халқлар дўстлиги кўчаси – 16-уй, тел. 51127, 51116,
Фарғонада – 712000, Фарғона шаҳар, Навоий кўчаси – 13-уй, тел. 246468, 243803,
Хоразмда – 74000, Урганч шаҳри, А.Қодирий кўчаси – 26-уй, тел. 67504, 68519.

"ЎЗПАХТАСАНОАТ" УЮШМАСИ

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашларини, пахта хом ашёсини қайта ишловчиларни, олиму мутахассисларни, дала миришкорларини Янги – 2004 йил – "Меҳр ва мурувват йили" билан самимий табриклайди.



Янги йилда Сизларга янги муваффақиятлар, мустаҳкам саломатлик, бахт ва саодат ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

РОҲАТЛАНИБ ЯШАШГА НЕ ЕТСИН!

Қарши туманидаги Юсуф Хушвақтов номли ширкат деҳқонларининг меҳнатдаги жасоратлари кишини қувонтиради. 2003 йили 860 гектар майдоннинг ҳар гектари ҳисобига 35 центнердан "оқ олтин" ҳосили олинди.

Режадаги 2580 тонна ўрнига 2961 тонна ҳосил етиштирилди. Унинг деярли ҳаммаси юқори навларга қабул қилинди. Олинган соф фойда 200 миллион сўмдан ошди. Рентабеллик 49 фоизни ташкил этди. Давлатга сотилган пахта ҳисобига 89 тонна ўсимлик ёғи, 341 тонна шрот, 267 тонна шелуха олинди. Илғор ижарачилар эришган ютуқлар салмоғи ҳақида тўлқинланиб гапиргинг келади. Жасур Қаҳҳоров, Тўлқин Хўжақулов, Одил Очилов сингари азаматлар ҳосилдорликни 46-48 центнерга етказишди. Ижарачиларнинг йиллик даромадлари 3 миллион сўмдан ошади.

Муродулла Хўжамов, Ихтиёр Ўлжаев, Ихтиёр Боймуродов, Қаҳрамон Чўлиевлар раҳбарлик қилаётган ижарачилар ғалладан баракали хирмон яратишди. Ҳосилдорликни қаранг, 70-75 центнер! Давлатга режада белгиланган 2100 тонна ўрнига 3161 тонна ғалла сотилди. 2002 йили ҳар гектардан 55 центнердан ғалла олинган эди. Бу йил 65 центнердан ошди. Балли азаматлар, дегинг келади. Шартнома режасини ошириб бажарган ижарачиларга 731 тонна ғалла натура ҳолида мукофот қилиб берилди. Айрим илғор ижарачиларнинг омборига тўкилган дон 40-45 тоннадан ошиб тушди.

Хўжаликда бошқа жабҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам чакки эмас. Пилладан тортиб, картошкагача, сабзавотдан тортиб мевагача, узуму гўшт-сутгача... мўлкўлликка эришилмоқда. Маҳсулот кўпайган сайин даромад ошаверади. 2003 йилги даромад 1 миллиард 112 минг сўм бўлди.

Бу каби рақамлар нимани кўрсатади? Меҳнатга бўлган муносабат ўзгарди. Ишлаган тишлайди, деган нақл ўз исботини топди. Одамлар ерли, сувли бўлди. Мулкдорлар кўпайди.

Ҳа, ислоҳот ўз кучини кўрсатди. Энди деҳқон эртанги кун янада фаровон бўлишига ишонади. Янги машина сотиб олишга қурби етади. Янги турар жойлар қура олади, моли кўпайиб бой-бадавлат яшайди!

Деҳқонки, бой-бадавлат яшадими, у меҳнат қилаётган хўжалик ҳам бойиб боради. Биз бу ҳақда юқорида қисман тўхталиб ўтдик. Хўжалик қиёфаси йил сайин гўзаллашиб бормоқда. Равон ва текис кўчалар, янги турар жойлар, боғ-роғлар кўзга ташланмоқда. Мактаб ва боғчаларни, тиббиёт масканларини айтмайсизми?! Бу каби манзаралар шаҳарни эслатади. Хўжалик марказида қишки ва ёзги клублар ҳам бор. Бир вақтлар шошмашошарлик билан қурилган бу қурилишлар бугунги кун талабига жавоб беролмай қолди. Улар қайта қурилади. Стадион таъмирланади. Айтмоқчи, қишлоқда спорт билан шуғулланаётганлар кўпаймоқда. Кимдир кураш тушмоқда, кимдир от спорти билан машғул. Қишлоқ тўйлари кўпкарисиз ўтмайди.

Юксалиш пиллапоялари ҳақида

И З Л А Н И Ш

сўз кетганда хўжалик раҳбарлари, мутахассис ва мураббийларнинг исмларини ҳурмат билан тилга олиш жоиз. Турсунпўлат Ҳақбердиевнинг юриш-туриши машҳур полвонларга ўхшаб кетади. Бўйи-басти ўзига ярашиб тушган бу инсон аллақачон эл олқишини олган десак ишонаверинг. Хўжаликка раҳбар сифатида иш бошлаган кунларда хўжалик қарзга ботиб, ҳисоб рақами "занглаб" ётарди. 1 тонна ун ёки ўсимлик ёғи сотиб олишга хўжаликнинг қурби етмасди. Бугунги кунга келиб хўжалик юксалишнинг ойдин йўлидан бораяпти. 2003 йилнинг ўзида 100 миллион атрофида мукофот пули олинди. Рангли телевизор билан тақдирланганлар қанча.

-Одам меҳнат қилгандан кейин роҳатини кўриши зарур; - дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Сайфулла Хайруллаев. – Биз шунга интилаяпмиз. Акс ҳолда одам меҳнатдан совийди. Ахир, ислоҳот ким учун? Одамлар учун! Шу сабабли биз ҳар қадамда инсон манфаатини ўйлаб иш юритмоғимиз керак.

Туманимизда Юсуф Хушвақтов номли ширкат сингари иқтисодий бақувват хўжаликлар кўп. Собир Раҳимов номли, Яхши Омонов номли, "Бешкент", "Истиқлол" каби хўжаликларимизда бўлсангиз, ажойиб меҳнат ютуқларини кўрасиз. Уларнинг йиллик даромадлари миллиард сўмдан ошиб тушаяпти. Туман бўйича ҳисобласак бир йилда кўрилган соф фойда беш миллиард сўмни ташкил этади. Бу катта маблағ билан янги мактаблар, коллежлар, амбулаториялар қуришни мўлжаллаяпмиз. Янги йилдан бошлаб кўпчилик қишлоқларда деҳқон бозорлари қурилади. Бугуннинг деҳқони ўзига керакли нарсани харид қилиш ёки сотиш учун узоққа бориб юрмайди. Кейинги йилларда одамларнинг спортга бўлган қизиқиши кучаймоқда. Биз кўпчиликнинг бу ажойиб интилишини ҳисобга олган ҳолда жойларда спортни янада кучайтириш учун кўпгина тадбирларни белгилаяпмиз. Ҳар бир хўжаликда ўйингоҳлар ишлаб турибди. Спорт тўгараклари билан шуғулланаётганлар учун керакли шароитлар яратиб берилган. Яхши ишлаган одам яхши дам олиши керак-да!

-Янги йил режалари ҳақида нималар дея оласиз?

-Ҳурматли Президентимиз Янги йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилганларини эшитиб, беҳад хурсанд бўлдик. Меҳр-мурувват бор жойда одамлар шодон яшашади. Меҳр-мурувват бор жойда юксалиш бўлади. Одамларга омад кулиб боқади. Шу боисдан биз бу ҳаётий масалага асосий эътиборни қаратамиз. Одамларнинг яхши ишлаши, яхши яшаши учун қўлимиздан келган ҳамма имкониятларни ишга соламиз. Янги йилда янада яхшироқ ишлашни дилга тукканмиз. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўпаяди. Ободончилик масаласи кун тартибидан тушмайди. Қишлоқларимиз қиёфаси янада гўзаллашади. Шу кеча-кундузда келгуси йил ҳосили учун кураш қизиб кетган. Пахта экишга мўлжалланган майдонлар аллақачон шудгорлаб қўйилди. Ғаллакорлар ҳам ишга қаттиқ бел боғлаганлар. Ям-яшил ғалла майсаларини кўриб қувонасиз. Ўсимлик чилла сувига қондирилмоқда. Ариқзовурлар қазилиб, техника мавсумга шайланаяпти.

-Янги йил истакларингиз?

-Авваламбор, ҳаммага омонлик тилаймиз. Одамларни яхши кайфият тарк этмасин. Янги йилда яхшилик кўпайсин, - деймиз.

Бозор ЭРҚОРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

"РЕГИСТОН" ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Янги йилга республикамиз темирйўлчилари ҳам ўзига хос байрам туҳфаси ҳозирлашди. Мамлакатимиз пойтахти - Тошкент ҳамда йирик шаҳарларимиздан бири - Самарқанд йўналиши бўйлаб энг тезюрар поезд қатнови йўлга қўйилди.

Рамзий маънода "Регистон" номини олган тезюрар поезд, автомобиль ва авиация хизмати билан бемалол рақобатга кириша олади. Ундаги йўловчиларга яратилган шароит юқори даражада. Бу поезд нафақат юртимиз аҳлига, балки чет эллик ва Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳатга чиқувчилар учун ҳам анчагина қулайлик яратади. Янги тезюрар поезд 300 километрлик масофани ўртача уч соатда босиб ўтади. Тезлиги соатига 120 километр атрофида.

"Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик компанияси томонидан илк бор амалга оширилаётган мазкур тезюрар поезд Тошкентдан Самарқандга ҳафтанинг ҳар куни қатнайди. Янги поезд қатновини яхшилаш мақсадида темир йўлларни қайта таъмирлаш ишлари Осиё тараққиёт банки маблағи асосида амалга оширилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон темир йўлларини аҳоли қатновини замонавий талабларга мос равишда ташкил этишда Франциянинг "Жеймар" фирмаси ҳам жалб этилган.

Энди тезюрар поезднинг йўловчи учун яратилган шароитлари ҳақида икки оғиз сўз. Тезюрар поезд 6 та вагондан иборат бўлиб, у битта биринчи даражали ва бешта иккинчи даражали вагонларга ажратилган. Биринчи даражали вагонда 42 та ўрин мавжуд. Унда йўловчилар учун телевизор ҳамда видео, радио ва аудио аппаратуралари ўрнатилган. Бундан ташқари, сервис хизмати ҳам йўлга қўйилган бўлиб, йўловчилар исталган маҳалда чой, кофе, яхна ичимликларни истеъмол қилишлари мумкин.

Иккинчи даражали вагонларда ҳам худди шундай шароитлар мавжуд. Унинг ҳар бирида 48 тадан ўриндиқ бор. Фақатгина телевизор, видео, радио ва аудио аппаратуралари бу вагонларга ўрнатилмаган. Мазкур вагонлар Россия Федерациясининг Твер вагон ишлаб чиқариш заводига алоҳида берилган буюртма асосида 2003 йилнинг декабр ойида келтирилган. Валютани тежаш мақсадида, вагонларни қўшима жиҳозлашга юртимизда фаолият кўрсатаётган ЎзДЭУавто, "Кварц", "Хива-Карпет" қўшма корхонаси ҳамда бошқа корхоналар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишди. Чипта нархлари поезднинг барча қулайликлари асосида ҳамда автомобиль ва авиация нархларининг ўртача баҳосидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

30 декабр 2003 йил. "Регистон"нинг илк қатнови амалга оширилди. Тошкентдан соат 6:50 да ҳаракатга тушган тезюрар поезд Самарқандга 10:40 да етиб борди. Вилоят темир йўл вокзалида Тошкентдан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўз олганлар янги поезд қатнови байрам учун энг катта совға бўлганлигини эътироф этишди.

Маросимда Самарқанд вилояти ҳокими Рустам Холмуродов иштирок этди.

Одил Розиқов, машинист:

-Поезднинг тезлиги зўр. Биринчи синов кутилганидек муваффақиятли ўтди. Йўллар тўлиқ синовдан ўтиб олса, тезликни яна оширамиз. Ана унда Самарқандга уч соатда бемалол етиб борса бўлади. Ҳали бунақаси бўлмаган.

Абдураҳмон Содиқов, поезд бошлиғи:

-10 йилдан бери темирйўл соҳасида ишлайман. Мана шу вақт мобайнида юртимиз темирйўлчилигида катта ўзгаришлар бўлди. Мана энди тезюрар поезд йўлга қўйилди. "Регистон"нинг шароитлари жуда юқори. Ҳали кўрасиз, чет эллик саёҳатчилар ҳам қойил қолишади бунга. Шу фурсатдан фойдаланиб юртдошларимизни янги йил байрами билан табриклайман.

Гулчеҳра Кмоквина, йўл кузатувчиси:

-Икки йилдан бери поезддаги йўловчиларга хизмат кўрсатиб келаман. Янги тезюрар поездда биз учун ҳам зўр шароит яратилган. Иссиқкина кофеми, чойми буюринг. Тезда етказаман. Яхна ичимлик дейсизми? Бунисиям бор.

2004 йил билан барча юртдошларимизни чин юракдан табриклайман. Янги йил барчага бахт ва омад келтирсин.

Маъмур Агзамжонов, фахрий темирйўлчи:

-45 йилдан бери шу соҳада меҳнат қиламан. Ҳамдўстлик мамлакатларининг барчасида бўлганман. Аммо бунақанги юқори хизмат кўрсатувчи поездда биринчи бор бўлишим. Тезлигини айтмайсизми. Ҳаммаси ҳукуматимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли, албатта. Германия, Япония, Кореяда ҳам бўлганман. Ишонаманки, бизнинг темир йўлларимизда ҳали ана шу давлатлардаги сингари бундан-да юқори даражадаги поездлар қатнови йўлга қўйилади.

Юртдошларимизни байрам билан табриклайман.

Лайло Рустамова, йўловчи:

—Самарқандда жуда кўп бўлганман. Поездда илгарилари 5 соатда борардик. Энди уч ярим соатда етиб борарканмиз. "Регистон"нинг биринчи йўловчиси бўлганимдан фахрланаман. Янги поезднинг шароитларига-ку таъриф йўқ. Хоҳласам радио эшитаман, хоҳласам телевизор кўраман. Ўқиш учун республика газеталарининг янги сонлари ҳам келтириб қўйилган. Мана ҳозиргина чой буюргандим, иссиқкина келтиришди. Буни шароит деса бўлади.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Самарқанд вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳамда унинг барча тармоқлари ходимлари

республикамиз аҳлини Янги йил билан самимий муборакбод этиб, барча-барчага бахт-омад, осойишталик тилайди.

Қалбингизни чин инсоний фазилат меҳр-мурувват асло тарк этмасин, азизлар!

"ЧУСТМАТЛУБОТСАВДО" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

истиқлол туфайли бутун жаҳонга юз кўрсатган мустақил Ўзбекистонимиз меҳнаткашларини Янги йил билан қутлайди!

2004 йилда саодатли кунларингиз кўп бўлсин. Иймон-эътиқод билан яхши амаллар қилиш барчангизга насиб этсин, азиз юртдошлар!

МУҲТАРАМ ВАТАНДОШЛАР!

Сизларни 2004 йил билан самимий муборакбод этамиз.

Янги йилда хонадонларингизга файзу баракот, тўкин-сочинлик тилаймиз.

Янги йил барчамиз учун қутлуғ келсин.

"АГРОМАШ"НИНГ ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИДАГИ ТАЖРИБА ДАЛА БАЗАСИ ЖАМОАСИ

Она-Ватанимиз - Ўзбекистон халқини, ишбилармон ва тадбиркорларни янги 2004 - Меҳр ва мурувват йили билан муборакбод этамиз! Янги йил ҳар бирингизга омад ва қувонч олиб келсин. Кун сайин чирой очиб бораётган азиз юртимизнинг ҳар бир хонадонига, ҳар бир фуқаросига янги йил бахту саодат олиб келишини тилаймиз.

Азизлар! Сиз Республика Кўчмас мулк биржаси савдоларида ўзингизга керакли мулк сотиб олиб, янги йилда мулкдорлар сафига қўшилиш имкониятига эгасиз!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ва КИМ ОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ



"УЧҚЎРҒОНДОНМАҲСУЛОТЛАРИ"
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Она заминдан ҳалол пешона тери эвазига дур ундираётган ғаллакор-у бободеҳқонларни Янги йил билан муборакбод этади!

Дастурхонингиз доимо неъматлар шоҳи – нонга тўлиб-тошсин.

АЙЁМ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!

"ТАДБИРКОРБАНК"

унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлимлари жамоалари мамлакатимиз аҳолисини 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили билан қизғин табриклайди.

Юртдошларимизга Янги йилда мустаҳкам соғлик, бунёдкорлик ва эзгу ишларида равнақ, яхши кайфият, тинчлик-хотиржамлик тилайди.

2004

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Сизларни янги 2004 – Меҳр ва мурувват йили билан шукроналар ила чин қалбимиздан табриклаймиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик тилаб, оилаларингизда осуда, ширин ҳаёт барқарор бўлсин деймиз. Меҳр-мурувватдек инсоний қадриятлар ҳар биримизнинг ҳаётимизни нурафшон этиб турсин!

Халқаро Шароф Рашидов хайрия фонди Марказий кенгаши ҳайъати.

ЙЎҚОЛСИН БАҲОНА

Ғиждувонлик машҳур пахтакор, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳазрат бобо Облоқуловга 2003 йил нимаси билан ёдингизда қолди, дедик. У кутилмаган жавобни берди: "Вилоятимизда пахта шартномасининг уддаланганги энг қувончли воқеа бўлди".

-Газета жону дилим. Тенгдошларимнинг кўзи хиралашиб қолган, кўзойнак билан ҳам ўқишолмайди. Мен эса худога шукр. Туф-туф, кўзикмайин. Ўқишга қийналмайман. Кўпинча невараларим, эртак айтиб беринг, деб қўйишмайди. Шунда газетада босилган ҳангомаю, воқеаларни ўқиб бераман. "Қишлоқ ҳаёти"-да зўр фермерлар-у яхши таклифларни кўрганда эса барака топишсин, деб қўяман...

Ҳазрат бобони дала шийпонида учратдик. Юрагига йўл топсангиз, сиздан азиз киши йўқ унга. Бобони меҳнат улғайтирган, элга танитган. Президентимизнинг Фармонлари билан бундан уч йил бурун "Ўзбекистон Қаҳрамони" юксак унвонига сазовор бўлди.

Ҳазрат бобонинг қадам олиши, шижоати 76 баҳорни қаршилаётган кишиникига ўхшамайди. Йигитнинг кучи бор унда. 70 гектар ерда бош пудратчи. Даланинг 60 гектари пахта, 10 гектари ғалла. Бобо ариқ зовурларнинг чети борми, шийпон олдидаги бир парча ер борми, бўш қўймаган. Рўзғор учун карр-тошка-пиёз, помидору қалампир бари шу ерда етиштирилган. Бугун ер дам олаяпти. Деҳқон эса бедор, пайкалдан узоққа кетгиси келмайди.

РИЗҚ

-Асабни асранг, мабодо оилада ғиди-биди чиқса, дарров далага қочинг, - дейди бобо кулиб. – Шунда қаримайсиз, узоқ яшайсиз ҳам.

Ҳазрат бобони Яратганнинг ўзи сийлаган. 12 нафар фарзанди, 56 нафар невара-ю чеваралари атрофида. Гоҳида у, гоҳида бу фарзанди келиб туради, отанинг дуосини олади. Садриддин Айний номли ширкат хўжалигида бу аҳил оилага кўпчилик ҳавасманд.

-Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидек, қўлим ишда-ю кўнглим Аллоҳда бўлган-да. Диёнат-у инсофни унутмаганмиз, - дейди суҳбатдошимиз. – Шунинг учун янгангиз билан катта оилага бош бўлиб яшаяпмиз. Ҳаётимизда қизиқ воқеалар кўп бўлган. 1950 йил ота бўлдим. 50 йил ўтгач, Қаҳрамонга айландим.

У мийиғида кулиб қўйди.

-Ўнинчи фарзандим дунёга келгач, кампиримга "Қаҳрамон она" унвонини беришди. Менга эса раҳмат ҳам йўқ, - дейди у кулиб. – Шунда "Кўрасан ҳали қаҳрамон бўламиз биз ҳам", дедим. Ишга берилдим. Далани яшнатиб қўйдим. Йилдан-йилга пахта ҳосилдорлиги ошиб борди. Қаранг, инсон интилса, астойдил истаса бўларкан-да. Аммо энг олий мукофотга сазовор бўлиш, очиғи, тушимга ҳам кирмаганди. Лекин бир гапни айтсам, ишонмассиз. Аммо бор гап. Ҳар бир янги йил ҳаётимга катта ўзгаришлар-у ютуқлар олиб келаяпти.

Уста пахтакордан ерга ишлов беришда қайси тадбир энг муҳим, дея сўрадик. У бир муддат ўйланиб қолди. Сўнг шундай деди:

-Ризқ-насиба ундиришни ўйлаб далага кираётган кишининг аввало юраги тоза бўлсин. Алдовни пайкалга ишлатмасин. Ер ёлғонни ёқтирмайди-да, болам. Шу йил биз 60 гектарлик пахтазордан 310 тонна биринчи навли хом ашё териб олдик. Ҳосилдорлик 52 центнердан ошди. Ерни шўр десак, техника ночор, у етмади-бу етмади десак, шунча ҳосил олармидик? Албатта, йўқ. Мен бу гапни шогирдларимга ҳар куни айтаман.

Бобонинг шийпони ҳам диққатимизни тортди. Бу жой янги келин тушган ҳовлининг ўзгинаси. Атроф чиннидек тоза, ичкарида ишчиларнинг дам олиши учун етарли шароит бор.

-Президентимизнинг Олий Мажлисдаги чиқишларини диққат билан кўрдим. Менимча, энди қишлоқ одамларининг турмуш даражаси кўтарилади. Бу ҳақда Юртбошимиз қайғураяптилар-да. Лекин шу ўринда айрим мулоҳазаларим ҳам бор. Аввало, биз баҳона тўқиш касаллигидан қутилишимиз керак. Дангаса учун энг осони баҳона. Уни бирпасда тўқиб юбориш мумкин-да. Ишлаш эса роҳати бору, осон эмас... Шу боис янги йилдан тилагим бор. Халқимиз дард кўрмасину, баҳоналар тўрваси эски йилда қолиб кетсин. 2004 йилни тозариб, ғайрату шижоат билан кутиб олганга нима етсин.

-Яшанг, умрингиз узоқ бўлсин.

Суҳбатдош: Абдунаби АЛИҚУЛОВ.

ҚАҲРАМОННИНГ ОНАСИ

(Боши 1-бетда)

Янгиликдан умидвор оила колхозга ёзилди. Колхоз деганнинг меҳнати, машаққати олдингидан беш баттар экан. Бу ёқда бирин-кетин фарзандлар туғилди. Бола бешикда, қўлида кетмон Гулжон момо даладан бери келмайди...

Сабаб Яратган эгамдандир - Гулжон момо беш нуридийдасини вақтли тупроққа топширди. Иккинчи жаҳон уруши қизиган пайти турмуш ўртоғи оғир дарддан вафот этди. Момо уч нафар норасидаси билан тақдирига таяниб қолаверди.

Катта қизини турмушга узатиш, икки ўғилни ўқитиш, одам қилиш, уйлантириш - ёлғиз бошига тушди. Иккинчи жаҳон уруши даври – юртда офат кўпиб, бир ёқда ишчи кучи йўқ, бир ёқда касалликлару очлик одамларни қирғинбарот қилаётган пайт уч етимни боқиш айтишга осон. Саҳар мардондан отизга чиқиш – ер ағдариш, ғўза чопиғи. Қиш бўйи отизларга эски девор кесакларини қўлда ташиш. Қора хўфтонда уйга қайтиб уч қоракўзнинг қорни, усти ғамида уймаланиш. Тун деганлари бунчалик қисқа бўлмаса...

Гулжон момонинг қаварган қўллари – ўша оғир йиллардан абадий хотирот. Фарзандлари энага тортдилар. Бу муштдек пайтидан она қатида туриб, рўзғор юкини биргаликда тортишганидан.

Бир куни турмуш ўртоғи дунёдан ўтган, уч қоракўз дастурхонга кўз тикиб ўтирганини кўрган онаизор Аллоҳдан тилайди: "Худойим, ҳеч қачон хаста қилма! Ётиб қолсам, бу болаларимнинг ҳоли не кечади?" юракдан ситилиб чиққан тилакка фаришталар "омин" айтадилар – момо умри бўйи бирор кун хасталанмади, касалхона нималигини билмади, ҳатто укол олиб кўрмади. Аксига...

Тўқсон саккизга кирганда оғринди – қаттиқ оғринди. Ўғиллар онани ҳеч қачон хаста кўришмаган – тўрт томонга югуришди. Вилоят марказидан келган катта-катта дўхтирлар: "Бу хасталикдан фақат жарроҳлик йўли билан қутилиш мумкин. Кампир юзни қоралаган, юраги тиғга дош беролмас" дейишди.

Момонинг юраги бакувват экан – операциядан сўнг тез соғайди. Тақдирни қаранг, орадан кўп ўтмасдан яна тағин жарроҳлик столига ётди. Бир кун қарабсизки, Гулжон момо ҳеч нима бўлмагандай яна тағин саҳар мардон боғда қуймаланиб юрибди...

Момонинг кенжа ўғли Олимбой ака хўрсиниброқ гапиради: "Акамнинг азон-кеч эл ташвишида юришидан энам бир қувонар, сал кўринмай қолса ташвишланарди. Акам катта бир хўжалик раҳбари. Яна тағин у бош бўлган хўжалик туманнинг четида – ўттиз чақиримга қатнаб ишлайди. Экиш даври бор, парвариш даври бор, йиғим даврини эса айтманг. Ушланиб қолади. Энам эса эшикка тўрт кўз бўлиб тикилиб ётадилар. Қора хўфтонда акамнинг овози эшитилгач, енгил тортиб уйқуга кетадилар".

Тўнғич ўғлининг эл-юрт олдидаги обрўси момонинг ташвишли кечинган умрига берилган совғалар бўлди. Телевизорда кўрсатишса, кўзларига ёш олади, газетада ёзишган бўлишса, невараларидан бирисини ёнига чақириб овоз чиқариб ўқиттиради. Кейин фотиҳага қўл кўтариб, узундан-узоқ дуо қилади. Ўғлига воҳада биринчи бўлиб қаҳрамонлик олтин юлдузи берилиши ҳақида Юртбоши Фармони эълон қилинган куни онаизор туни билан мижжа қоқмади. Яратганга салламнолар айтди, эл-юрт корига яраётган машҳур фарзанд тарбиялаганидан ғурур туйди.

Бирор йил муқаддам пойтахтга хизмат юзасидан борганида тўнғичи қаттиқ оғринди. Дўхтирлар "инфаркт" дейишди. Уч қунга кетса кунига уч бора қўнғироқлашадиган фарзандидан хабар бўлмагач, момо ташвишга тушди. Кенжаси кўнгил берди: "Акам озроқ хасталанибди. Дўхтирлар шу ерда бирор муддат ётсалар отдек бўлиб кетади, дебдилар..." Ўша кунлар момога йилданда узоқроқ кечинди. Бирор ўн йилга қаридилар, шекилли.

Ўтган йили воҳада йил оғир келди. Деҳқончилик кечикди. Айниқса, ҳаво инжиқлигидан пахта кечроқ пишди. Бир ташвишга ўн ташвиш эш бўлди. Тўғричи ҳафталаб уйда тунамади – отиздаги ҳосилни қорсиз-ёғинсиз кунларда йиғайлик, деб елиб югурди. Сурункали уч ойга чўзилган йиғим-терим ташвишига соғ одам чидамас. Мавсум охирида қаҳрамон раисининг юраги иккинчи марта ҳуруж қилди. Уни вилоят марказидаги юрак хасталиклари шифохонасига ётқиздилар. Момонинг уйқусиз тунлари бошланди. Аксига оғриниб тўшакда ётибди. "Мени олиб боринглар, ўғлимни кўрай" дейди. Ўзининг аҳволи бир қадару кўнгли хаста фарзанди-да. Кенжаси-ю неваралари кунига беш-ўн марта ўғлидан хабар олишади, келибоқ момога яхши хабарлар етказишади. Аммо эшитган бошқа, кўрган бошқа.

Энди Олимбой ака алам билан эслайдилар: "Акамнинг аҳволи ҳийла дуруст эди. Дўхтирлар тезда соғайиб, уйга қайтишини айтишган. Энам бу ёқда кунда: "Олиб боринглар, бир кўрай", дейдилар. Акамга айтсак, "Энамни касал ҳолига овора қилманглар. Узилиб қолмасинлар" дерди. Афсус, акам 2003 йилнинг 1 январи куни кутилмаганда юрак ҳуружи такрорланишидан узилдилар..."

Гулжон момо бир кунда юз йилда топган дунёсини йўқотди. Кейин кечагина кўрпа-тўшак қилиб ётган момо оёққа қалқди, ўрнидан турди. Кунда-кунора ўғли ҳоки ётган "Дарвиш бобо" қабристонига боради, қабрини қучоқлаб ўтиради. Одам боласининг юз йилдаям кўз ёшлари қуриб битмас экан... Кейин қуш уйку бўлиб қоладилар. Ярим тундами, бирдан ўрнидан туриб, юраги ҳапқириб кетадиган одат чиқарадилар. Баъзи кунлари оғир уф тортиб, туни билан юриб чиқадилар. Тақдир-да.

Кўпни кўрган қариялар "Донишмандлардан қолган гап бор: ҳеч ким "болам" демасин деган. Машарифжон олтмиш бешида кетди. Ийманини берсин, аммо ёш кетди-да. Гулжон момо учун ўғли муштдек бола ҳисобида..."

...Машҳур раҳбар, воҳадан чиққан биринчи "Ўзбекистон Қаҳрамони" Машариф ака Қувоқовнинг орамиздан бевақт кетганига бир йил тўлди. Қаҳрамоннинг бир юз бир ёшга тўлган онаизори ҳақида ёзиш мақсадида хонадонларига бордик. Биз ўзимизча момога кўнгил берган бўламиз. "Табаррук қария" деймизми... Машариф ака ҳақида яхши гаплар айтамизми...

Гулжон момо хўрсинибгина бир оғиз гапирдилар:

-Қани, болам бўлсайди...

Холмурод ҚУРБОНОВ, Рўзимбой ҲАСАН.

СУРАТДА: Гулжон момо кенжа ўғли Олимбой ва невараси Бектурди билан.

Намангандаги "Ўзэлектротерм" заводи йўналиши бўйича мамлакатимизда ягона корхона ҳисобланади. Корхонада юқори технологиялардан фойдаланилган ҳолда сўнгги русумдаги сифатли дазмол ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

СУРАТДА: корхона бош муҳандиси К.Юсупов тэнсозлик цехи мудири С.Мўйдинов ва назоратчи Б.Мўйдиновлар билан ишлаб чиқаришни такомиллаштириш хусусида фикрлашмоқда.

Р.УММАТОВ олган сурат.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

ЭСДА ҚОЛАДИГАН ЙИЛ

Яна бир йил ортда қолди. Қувончлар, ташвишлар, армонлар...

Сарҳисоб қиламиз. Нимага улгурдигу қайси юмуш чала қолди? Ҳаётимизда қандай ўзгаришлар юз берди? Умуман, эртага 2003 йилни қандай эсга оламиз? Бир қанча юртдошларимизга ана шу саволлар билан мурожаат қилдик.

Тожибой ЭГАМБЕРДИЕВ, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор":

-2003 йил ҳаётимда унутилмас из қолдирди. Мустақиллик байрами арафасида Юртбошимизнинг Фармонларига биноан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор" унвонига сазовор бўлдим. Бу менга янада руҳ бағишлади. Тасарруфимиздаги майдондан 55 центнердан буғдой, 30 центнердан пахта ҳосили кўтарган бўлсак, янги 2004 йилда бундан-да юқори ҳосилдорликка эришмоқчимиз. Об-ҳавони айтмайсизми? Деҳқонбоп келяпти ўзиям. Хоразм деҳқонларининг бу йилдан умиди катта.

Дилшодахон КУРБОНОВА, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси":

- Вақтнинг оқар сувдек ўтишини қаранг. Мана яна бир йил ортда қолди, тарихга айланди. 35 йилдирки, Андижон қишлоқ хўжалиги институтида ёшларга таълим-тарбия бераман. Насиб қилса, ҳали кўп йил зиё тарқатишга кучим етади... Шу фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни Янги йил байрами билан табриклайман.

Парзиниса НАЗАРОВА, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи":

-Оддийгина пиллачи эдим. Энди бўлса юксак унвон соҳибасиман. Қилган меҳнатларим туфайли, албатта. Мен учун ўтган йил мана шуниси билан эсда қолди.

Тўғри, ҳеч ким унвон олиш учун меҳнат қилмайди. Лекин, кўнгил нозик-да. Эътиборга ташна. Қилган меҳнатинг қадр топса, ишга бўлган меҳринг ошаверади. Ҳамма гап мана шунда.

Жуман АБДУХОЛИҚОВ, "Жуман ота" фермер хўжалиги раҳбари:

-Бу йил Сирдарё вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартномавий режасини уддаладим. Яна ортиги билан. Менинг учун энг муҳими мана шу. Юзим ёруғ бўлди, баъзиларга ўхшаб ер чизиб қолганим йўқ. 30 гектарлик пахта майдонининг ҳар гектаридан ўртача 30 центнердан ҳосил олдик. Ғалла ҳосилдорлиги 50 центнердан ошди. Фойдамиз 30 миллион сўмга етди.

2003 йилда ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасига, айниқса, фермерчилик ҳаракатига катта эътибор қаратилди. Энди насиб этса, ютуқларимиз янада кўпаяди.

Суҳбатни Шавкат ОРТИҚОВ ёзиб олди.

АМУДАРЁ МИРОБЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Бунга сувдан масъулиятсизларча фойдаланиш, ички суғориш тармоқларининг вақтида тозаланмаслиги, экинларни жойлаштиришда маъмурий-буйруқбозликка йўл қўйилганлиги сабаб бўлди. Бундай салбий кўринишларнинг олдини олиш, Қуйи Амударё миробларида фаолиятига эркинлик бериш учун Президентимизнинг 2003 йил 24 мартдаги Фармонига асосан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 июлдаги қарори қабул қилиниб, унга биноан Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Хоразм вилояти сув хўжалиги тармоқлари негизида Қуйи Амударё ҳавзаси ирригация тизимлари бошқармаси ташкил этилганлиги айни муддао бўлди. Шундай қилиб, қуйи Амударё ҳудудидаги барча ирригация тизимлари бошқарув тизимига ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикасида 6 та, Хоразм вилоятида 4 та ирригация тизими бошқармалари фаолият бошлаб юборди. "Пахтаарна" бошқармасида 30 йиллардан буён миробликка касбини эъзозлаб келган, етук мутахассис Мардон Примжаров мазкур ташкилотга раҳбарлик қилмоқда. Яқинда биз у киши билан учрашиб, қуйи Амударё миробларини олдида турган вазифалар тўғрисида суҳбатлашдик.

-Бизнинг вазифамиз сувдан бирламчи фойдаланувчиларга пропарционал тарзда сув етказиб бериш ва ундан унумли фойдаланишдан иборат, - дейди М.Примжаров. – Тизимимиз ҳисобида магистрал ва хўжаликлараро каналлар бор. Улар Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа туманларининг салкам 100 минг гектар экинзорларига ҳаёт бағишлайди. Биз янги иш бошлаган дастлабки кундан эътиборан магистрал ва хўжаликлараро каналларнинг 181 километрлик қисмини тозалашга киришдик. Айни пайтда 14 та экскаватор ва 3 та бульдозерлардан самарали фойдаланиб, 45 километр узунликдаги хўжаликлараро каналларни тозалашга эришдик. Бу йўналишдаги юмушлар уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Ҳеч шубҳа йўқки, ҳар учала туман хўжаликлари кузги-қишки шўр ювиш даврида сув билан узлуксиз таъминланади. Бунинг учун "Калтаминор – Боғёп", Янбошқалъа, Қирққиз – Элликқалъа, Амиробод, Найман – Бештом, Қаттирқап бўлимлари ишчи муҳандис-техник ходимлари, механизаторлари барча имкониятларга эга.

-Янги бошқарувга ўтиб иш юритишнинг сув таъминотидаги узилишлар ва исрофгарчиликнинг олдини олишдаги афзаллиги нимада?

-Биринчи навбатда, сув исрофгарчилиги олдини олиш билан бир қаторда тақсимотда адолат ўрнатиш имкони туғилади. Яъни, фермер ва ширкат хўжаликлари томонидан фақат режалаштирилган экинларни белгиланган миқдорда экканлари учун ажратилган сув билан улар таъминланади. Сув ва ерларнинг ортиқча сарфланиши ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашуви олди олинади.

-Маълумки, "Қирққиз" ва Элликқалъа массивларини сув билан кафолатли тарзда таъминлашга мўлжалланган ҳамда асосан Қизилқум узра ўтувчи "Бўстон" канали қурилиши бошланган эди. Бу мураккаб об-ҳаёт иншооти бунёд этилиши тўғрисида ҳам қисқача тўхталсангиз.

-Узунлиги 35 километр ва секундига 50 куб метр сув ўтказиш қувватига эга бўладиган мазкур каналнинг биринчи навбати шу йил ёз мавсумида фойдаланишга топширилган эди. Натижада қўшимча равишда 7 минг гектар майдонларда деҳқончилик қилиш имкони туғилди. "Бўстон"-нинг қолган иккинчи навбати, яъни 8 километрлик қисмини ҳам қазиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда. Мазкур канал фойдаланишга топширилиши натижасида Элликқалъа туманини сув билан таъминлаб турган Боғёп магистрал каналидан 20 метр куб секунд сувни бошқа каналларга ташлаш имкони туғилди. Эндиликда бу сувнинг бир қисмини "Амиробод – Бўзёп" канали орқали Беруний тумани хўжаликларига етказиб бериш учун "Бўзёп" канали тозаланмоқда...

Халқимиз "Сув келтирган элда азиз", дейди. Ҳақ гап. Ҳаёт манбаи – сувни расамади билан адолатли тарзда тақсимлаш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, иншоотлардан оқилона фойдаланишни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйган бошқарма миробларидаги барча жамоа аъзоларининг келгуси савобли ва эзгу ишларида омадлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

"ТИРИЛГАН" НИЛУФАР

Японияда қадим замонлардан қолиб кетган нилуфарнинг юзта уруғи топилди. Олимларнинг таъбирича, уруғларнинг ёши 600 йилдан ортиқ.

Улар шу қадар қотиб "тараша" бўлиб кетганки, деярли тошчалардан фарқи қолмаган. Бироқ, қадимшунос-палеонтолог Такаёси Насу бу уруғларни ўстириш учун бор саъй-ҳаракатини сафарбар этди. У уруғларни пўстлоқларидан ажратиб сувга солиб қўйди. Нилуфар уруғлари тўққиз кундан сўнг илдиз ота бошлади. 21-куни эса барг ёзди.

БОШПАНА ДАРАХТ

Наботот оламида энг катта япроқ Амазонка дарёси соҳилларида ўсадиган Рафия палмасиники ҳисобланади.

Унинг худди чодирдек кенг, кўм-кўк япроқларининг узунлиги 22 метр, банди эса 5 метрга етади. Бу япроқ шаррос ёмғирда ёхуд қуёшнинг қайноқ тафтида бемалол 10 нафар кишига "бошпана" бўла олади.

КОМПАСНИНГ ЎЗГИНАСИ

Ўрта денгиз соҳилларидаги тошлоқли тупроқ ерларда компас-аллеп қарағайи ўсади.

Унинг баландлиги 10-15 метргача етади.Табиат мўъжизасини қарангки, бу дарахтнинг танаси ҳаммавақт жанубга қараб қийшайиб туради. Унга қараб Ер қуррасидаги давлатларнинг жойлашиши-ю, манзилни осонгина билиб олиш мумкин бўлади.

ХАБАРЧИ ЎСИМЛИК

Олимларнинг кўп йиллик кузатишлари туфайли Марказий Осиё чўлларида учрайдиган қизилмия (ширинмия, чучукмия, лакрица) нинг ажойиб хусусияти аниқланди.

Яъни ўсимликнинг ярқираган қизғиш-гунафша ранглилари ўша ер остида чучук сув борлигидан дарак бераркан. Агар ўсимлик гуллари ранглар бўлса демакки, у ўсган ердаги сув шўр бўлади.

ТАБИИЙ ШАМЧИРОҚЛАР

Лотин Америкасида, аниқроғи, Панама канали бўйларида ўсадиган дарахтнинг унчалик катта бўлмаган бармоқсимон мевалари кишига шамларни эслатади.

Шу боис мазкур дарахт "шамчироқ дарахти" номини олган. Унинг мевалари ўз таркибида мой сақлаши туфайли маҳаллий аҳоли улардан чироқ сифатида фойдаланадилар. Бунинг учун мевалар орасига пиликлар ўтказилиб, ёқилиши кифоя. Шамчалар шундай ёрқин ёниб ёғду соладики, кўриб ҳайратланмай иложингиз йўқ.

ТААЖЖУБ

Англиядаги кўҳна деворлар орасидан гуллар маликаси атиргул топилди.

Мутахассисларнинг фикрича, атиргул бу-

НАБОТОТ АЖОЙИБОТЛАРИ

дан 800 йил бурун узилган бўлса-да, ҳеч путур етмасдан, аслилигича сақланиб турган. Гувоҳларнинг таъбирича, гўё гул кечагина узилганга ўхшаркан.

АНТИҚА ДАРАХТ

Наботот оламидаги ризофора дарахтини "тирик туғар" номи билан аташади. Унинг антиқалиги шундаки, меваси узилиб ерга тушмасданоқ ичидаги уруғлар уна бошлайди.

Мевасининг узунлиги бир қулоча бўлиб, жўва кўринишига эга. Мевалар очилиб кетгач, ўсимта узилиб оғир тарафи билан дарахт тагидаги балчиққа ботиб қолади. Ханжарсифат ерга санчилган ўсимта тез орада қўқариб, янги дарахт тусига кира бошлайди.

Маннон НАБИЕВ тўплаган.

ЕПТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Терроризм жой ва вақт танламайди. Бироқ, байрам арафасида ҳамда одамлар кўп тўпланадиган жойларда хавфсизлик чораларини кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.



Ана шуни ҳисобга олиб АҚШ ҳамда Европанинг бир қатор мамлакатлари ўз ҳаво чегаралари орқали юз бериши мумкин бўлган терактнинг олдини олиш мақсадида "жигарранг тайёргарлик" деб номланувчи иккинчи босқич хавфсизлик чораларини ишлаб чиқишган.

Ёдингизда бўлса, бундан бир ҳафта муқаддам АҚШнинг Франция билан ҳаво йўллари хавфсизлик нуқтаи назаридан ёпиб қўйилганди. Янги йил арафасида эса АҚШ ички хавфсизлик вазирлиги томонидан Нью-Йорк, Лас-Вегас, Чикаго ҳамда Вашингтон шаҳарлари узра амалга ошириладиган ҳар қандай парвоз тақиқлаб қўйилди. Нафақат чартер, балки тижорат ҳамда почта рейсларининг ҳам мазкур марказий шаҳарлар устидан учиб ўтиши мумкин эмас. Шунингдек, мазкур қитъанинг янги йил илк бор "қадам қўядиган" худуди – Нью-Йоркдаги Таймс-сквер (Times Square) хиёбонида қўриқлаш хизмати ходимларининг сони ўн баробарга кўпайтирилди.

МАЙМУНЛАР ОРОМГОҲИ

Япониянинг жанубидаги Дзигокудани тоғида маймунлар учун махсус оромгоҳ ташкил этилди. Мазкур худудлар 1964 йилга қадар инсон қадами тегмаган жой саналарди.

Бу ерда макака турига хос бўлган маймунлар тўдасигина "ҳукмронлик қиларди". Дзигокудани одамлар томонидан ўзлаштира бошлангач эса маймунларнинг яккаҳокимлиги барҳам топди. Улар инсониятнинг техникавий инқилоби туфайли қирилиб кета бошлади. 2004 йил Шарқий тақвим бўйича маймун йили эканлиги учун тиниб-тинчимас японлар "ён қўшнилари"га қулай шарт-шароитлар яратиб беришга қарор қилишди. Энди маймунлар ҳам инсонлардек дам олиши, даволаниши ва қишнинг қаҳратон кунларида гейзерли булоқлардан отилиб чиқувчи иссиқ ванна қабул қилишлари мумкин. Лойиҳа муаллифи Акиро Херонининг айтишича, яратилаётган бу қулайликлар маймунларга жудаям ёқаётган эмиш.

"ТИКЛАНИШ" ҚАТНАШМАЙДИ

Аджария автоном республикасининг раҳбари Аслан Абашидзенинг таъкидлашича, "Аджарияда Грузия президентлиги учун кечадиган сайловлар давомида сайлов участкалари ташкил қилинади, бироқ унда "Тикланиш" партияси иштирок этмайди".

Аслан Абашидзе бу ҳақда журналистлар билан ўтказилган йиғилишда айтиб ўтган. Шунингдек, "Тикланиш" партиясининг етакчиси марказ ҳамда регион ўртасидаги ихтилофларнинг кундан-кунга кучайиб бораётганидан ташвишланаётганлигини билдирди. Унинг фикрича, Грузиянинг амалдаги ҳукумати вакиллари ҳам Шеварднадзе ҳукумати каби Абашидзега ишончсизлик билан қарамоқда. Зураб Жвания эса унинг бу фикрларини инкор этиб, расмий Тбилиси Батуми билан келишиш йўлларини излаётганлигини таъкидлади.

ЯНА ЗИЛЗИЛА

"Эронда яна кучли ер силкиниши рўй берди", дея хабар қилади "Новости" ахборот агентлиги. Бу галги зилзиланинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 4,3 баллга тенг эканлиги айтилмоқда.

Маълумотларга қараганда, зилзила маркази Эроннинг жануби-ғарбида жойлашган Пахла шаҳридир. Ҳозирча вайронагарчиликлар ва қурбонлар хусусида ҳеч қандай маълумот йўқ. Бундан олти кун муқаддам Бом шаҳрида бўлиб ўтган ер қимирлаши оқибатида ҳалок бўлганлар сони эса янги йилнинг биринчи кунида 50 минг кишига етди. Жароҳатланганлар сони ҳам оз эмас, 14 минг нафарни ташкил қилмоқда.

ДУМА СПИКЕРИ САЙЛАНДИ

Россия Давлат думаси ўз фаолиятини бошлади. Куни кеча бўлиб ўтган йиғилишда депутатлар Дума спикерини сайлашди.

Ёпиқ тарзда ўтган сайлов натижасида зарур бўлган 226 овоз ўрнига 352 овоз йиққан "Ягона Россия" партиясининг вакили Борис Грызлов тўртинчи чақириқ давлат Думасининг спикери этиб сайланди. Унинг рақиблари "Ватан" партиясининг вакили Сергей Бабурин 79 овоз, "ЛДПР" вакили Владимир Жириновский 51 овоз ҳамда коммунистлар вакили Иван Мельников 69 овоз тўплашга муваффақ бўлди, холос. Шунингдек, Россия Давлат Думаси ўзининг биринчи пленар йиғилишида қуйи палата раисининг ўринбосарлари ҳамда саккизта вице-спикерларнинг номзодини кўриб чиқди ва тасдиқлади. Бу гал ҳам "Ягона Россия" партиясининг вакиллари асосий ўринларни қўлга киритишди. "Янги дума энди 2007 йилга қадар Россиянинг ички ва ташқи сиёсатини юритишда кенг кўламли иш олиб боради", дея хабар қилади ИТАР-ТАСС.

МОНИКАНИНГ БОШИ ҚОТГАН

АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтонга қарши ўтказилган импичмент судида асосий гувоҳ ва даъвогар сифатида иштирок этган Моника Левински адвокатлар хизмати учун тўланган 800 минг АҚШ долларини давлат хазинасига қайтариши керак.

Бу хусусда АҚШ федерал аппеляцион суди махсус қарор қабул қилган. Ёдингизда бўлса, бундан тўрт йил муқаддам дунё мамлакатларида ўзига хос шов-шувга сабаб бўлган суд процесси юзасидан Мониканинг адвокатларига тўланиши лозим бўлган барча харажатлар давлат томонидан қопланганди. Бироқ энди ҳукумат ўзгарган ва ҳеч кимга импичмент хавф солмайди. Моника хоним эса ўз даъвосини тасдиқлатолмаган ҳамда федерал суд Билл Клинтонни айбдор эмас, деб топганди. Демак, буёғига ўйламай босилган қадам учун жабр тортишга тўғри келади.

Интернет хабарлари асосида Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.

Тошкент шаҳар А.Икромов тумани ҳокимлиги томонидан "DELFIN-BESH" хусусий фирмасига берилган далолатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ҲАЗИЛНИ ҲАЗМ ҚИЛИШ ОСОНМИ?

(Боши 1-бетда)

-Ҳожибой ака, кўпинча одамлар бир-бирининг устидан кулиб яшайдилар. Айтингчи, кимнинг устидан кулиб бўлмайди?

-Навоий бобомизнинг қуйидаги мисраларини жуда ҳурмат қиламан:

Она ўрнин ато тутмас ўғилга,
Ки мумкиндир ўғил бўлмоқ атосиз.
Масиҳа бирла Марямдин қиёс эт
Ки имкон йўқ турур бўлмоқ аносиз.

Онанинг ўрни беқиёс. Одам боласи учун она ҳамма буюк хилқатлардан баланд. Соғлом она зотига эҳтиром сақлаб муносабатда бўлади: аёл сиймосини улуғлайди. Европа халқларида инсоннинг даражаси аёлга бўлган муносабати билан ўлчанади, аёлга маъбуда каби қарашади. Умуман, аёл зоти одамга ўзининг қандай бунёд бўлганини англатиб туради. Ҳаётнинг гўзаллиги-ю, муҳаббатни таъминлайди. Демакки, аёл киши устидан жойз, ножоиз кулиб бўлмайди. Бундан ташқари ақлий нуқсони бор кимсалар устидан кулиш ҳам яхши эмас.

-Ҳазилсиз кулги бўлмайди. Аниқроғи, ҳазил кулгининг бош унсури. Демоқчиманки, кулмай яшаб бўладими?

-Соғ ва ақлли одам ҳазилни тушунади, ҳазил қилади, кулади. Кулги юрагига сиғмаётган ёки нодон одамгина кулаётган одамлардан кулмагани билан ажралиб кўриниши мумкин. Бизнинг бугунги замонимизда пулдор одамлар ҳам кулмай қўйишган. Бошқа ўлкаларда эса аксинча – пули бор кишилар кулади.

-"Ҳар қадамда ҳангома" концерт дастурингиз бўлиб ўтди. Таассуротларни ўқувчиларимиз ва мухлисларингиз билан ўртоқлашсангиз.

-Ўз ёзган шеърини қайта ўқиётган шоир овқатининг тузини кўраётган ошпазга ўхшар экан. Концерт дастуримда мен ҳам ана шу ҳолатга тушдим. Ўзимга чеккадан қараб баҳо бергандек бўлдим, камчиликларимни аниқлашга ҳаракат қилдим. Тўғриси, бу концерт дастурим аввалгиларидан мутлақо ўзгача руҳда ўтди, томошабинларимнинг кўплиги мени қувонтирди, олқишларидан кўнглим ўсди, бир-биримизни тушунишга ҳаракат қилдик. Кўпчилик мухлислар яна бир-икки кун давом эттиринг, деган таклиф билан чиқишди. Хуллас, ҳар бир концертим бўлиб ўтгач, одам одам билан тирик эканлигига амин бўлдим.

-Газетамиз муштарийларига янги йил тилакларингиз бўлса, марҳамат...

-Меҳр ва мурувват йили барчага хайрли ва баракали келсин. Деҳқоннинг уйи бўғдойга, чўпоннинг қўраси қўй-молга тўлсин. Қор кўп ёғиб, ерни малҳамга ийласин, ҳамманинг кўнгли ҳам, ризқи ҳам бутун бўлсин.

Суҳбатдош:
Муҳаббат ТУҲТАШЕВА

Қизиқчининг ижод намуналаридан

ОТА-ОНАЛАР МАЖЛИСИ

Хотини эрталаб эрини уйғотибди:

-Дадаси, тезроқ туринг, бугун ота-оналар мажлисига фақат оталарни чақиришибди.

-Нима, ўғлинг бирон-бир ножоиз иш қилиб қўйибдими?

-Йўқ, ўғлингиз туппа-тузук ўқиб юрибди. Аммо мажлисга фақат оталар борар эмиш.

Эр ҳадеганда туравермабди.

-Эркаклар йиғилган жойда ош бўлади, ароқ бўлади, - аврашга тушибди хотин.

-Ҳа, қўймадинг, қўймадингда...

Эр шу куни мажлисга кетганича ярим кечаси уйга қайтибди:

-Ошни, ароқни айтишга айтибсан, ўғлингнинг қайси мактабда ўқишини айтмабсан-ку, каллаварам, - дебди хотинига.

УЧИНЧИСИ КИМ?

Икки йўловчи такси тўхтатиб:

-Учовимизни "Аэропорт"га олиб бориб қўйинг, - дебди.

Ҳайдовчи ҳайрон бўлиб:

-Сизлар икки киши-ку, - деса:

-Нима, сиз машинадан тушиб қолмоқчимисиз? – дермиш йўловчилардан бири.

МОЛ ДЎХТИРИ

Бир бемор шифокор ҳузурига келиб:

-Бир овқат есам, молдай овқат ейман, бир ишласам, эшакдай ишлайман, чарчасам, итдай чарчайман. Бунинг сабаби нима, дўхтир? – деб сўрабди.

-Билмайман, сабабки, мен мол дўхтири эмасман, - деб жавоб берибди шифокор.

"ҲАР ФАСЛНИНГ ЎЗ ЗИЙНАТИ БОР..."

ҚОРХАТ

Қор ёғар – осмонда
оққушлар учар,
Қор ёғар – осмондан
оқ укпар тушар.
Қор ёғар еру фалакни
тўлдириб,
Бизлар эрсак иссиқ уйда
ўлтириб,
Тарк этолмай халқимизнинг
одатин
Ёзамиз дўстларга дўстлик
қорхатин.
Қорхат асли қордай оппоқ
дил хати,
Оқ кўнгилнинг меҳри, тафти,
ҳурмати.
Ошинолик, чин вафо
изҳори ул,
Гоҳи пинҳон севгининг
икрори ул...

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

* * *

Боғда қорлар кечиб
тўхтамиш дарахт.
Ўзини билмайди – кун
кўрар карахт.
"- Ухла, ухла, ухла... –
алла айтар қиш, -
Барг ёзмоқ, гулламоқ,
мевалар тугиш... –
Олдинда қанчалар
юмушларинг тахт.
О, умринг заҳматдир, о,
умринг – ташвиш...
Ором ол! Ишонгин,
совуқ меҳрим бахт".

Сизни балолардан
асровчи қаср –
Совуқ ҳам меҳрдир – энг
юксак таъсир...
"- Ухланг, ухланг, ухланг..." –
алла айтар қиш.
Буғдой ҳам, майса ҳам,
дарахт ҳам беҳуш –
Улар туш кўради - ёз
ҳақида туш.
Бир лаҳза бўшатса
эркларин қадр –
Илтижо этишар – "Тангрим,
ёмон иш,
Ҳатто меҳрга ҳам
тушмоқлик асир!.."

Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири.

* * *

Қор ёғаётган оқшом
Шаҳарни кезсанг,
Ғира-шира кўчаларни
Кезсанг, қўлларингни
чўнтакка тиқиб,
Қор эса эриса
лабларингда жим.

Ўйласанг олисларда
қолган кимнидир,
Шу қорни ўйласанг,
қалбинг энтикса.
Айниқса, ўйласанг
онангни...

Қор эса тинмаса,
Тинмаса қадаминг.
Ўзинг ҳам бир қор
учқунидай
Сингиб кетсанг туннинг
бағрига.

Кимгадир йўл берсанг,
кимгадир салом,
Аммо ўзинг билмасанг буни.
Қор эса бўралаб
ёғаверса жим,
Адашсанг-да сезмасанг
адашганингни...

Хуршид ДАВРОН,
Ўзбекистон халқ шоири.

* * *

Музлабди шошқалоқ
анҳорлар,
дарахтлар зимдан қалтирар,
гарчи ҳайкалларни қоплаган
қорлар
пўстиндек таассурот қолдирар.

Сен – олис-олисда.
Ёзмайсан ҳамон.
Сен – янграб тинган бир
қўшиқдек.
Жим кезиб юрибман...
ёри ҳали-замон
келиб қоладиган ошиқдек.

Матназар АБДУЛҲАКИМ

ОЙИММОЗОР

Адирлар, адирлар, адирлар –
ҳорғин, оқ туялар карвони.
Судралиб йўл олар мозийга,
олдинда оқ кийган сарбони.

Олислаб борадир бу карвон,
изидан боқарман тош бўлиб.
Оғзимни ёпарман, кўзимдан
лаҳзалар қуйилар ёш бўлиб.

Янги қор қоплайди атрофни,
кўмилар карвоннинг излари.
Мен энди юраман олдинга –
мозийга қадалган кўзларим.

Шавкат РАҲМОН

БУ АЖИБ ДУНЁ

ЯНГИ ЙИЛНИ КИМ, ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛАДИ?

ЯПОНИЯда Янги йилни тонгда қуёш чиқиши билан кутиб олишади.

Янги йил кечаси ибодатхоналардаги қўнғироқлар 108 марта бонг уради. Чунки Японияда 100 ва 8 рақамлари бахтли рақамлар ҳисобланади. 108 марта бонг урилганда ҳамма жой-жойига етган бўлиши керак. Акс ҳолда Янги йилни кутиб олишдан кечикади.

***

ХИНДИСТОНда Янги йилни расмий ҳолда 1 январда нишонлашади.

Лекин аҳоли Янги йилни бир неча хил эски ҳисобларга кўра кутиб олади. Масалан, Янги йил мамлакат шимолида 13 апрелда, жанубида мартда, ғарбида октябрда, Керала штатида июл ёки августда нишонланади. Хиндистонда ҳам Янги йил қуёш чиқиши билан кутиб олинади.

***

КУБАда Янги йил 31 декабр тунда кутиб олинади.

Кубаликлар ҳаётимиз ширин ўтсин, дея соат тунги 12 да соатнинг ҳар бир бонг уришида бир ғужумдан узум ейишади.

***

ИТАЛИЯда Янги йил кечаси итальянлар ўз уйларидаги эски жиҳозларни, ёрилган идишлар-у синган стол-стулларни ташқарига улоқтиришади.

Шундай қилганда, Янги йил хонадонга бахт келтиради, деб ўйлашади.

***

БИРМАда Янги йил байрами йилнинг иссиқ мавсумида нишонланади.

Байрам куни бирмаликлар хоҳ қариндошуруғлару, хоҳ танишнотаниш бўлсин, дуч келган одамнинг устидан сув қуяверишади. Чунки уларнинг эътиқодича, сув бахт-саодат келтираркан.

***

ГРЕЦИЯда байрам куни албатта меҳмонга боришади. Қизиғи шундаки, меҳмонга кетаётган одам ўзи билан бирга оғир тош олиб бориши керак.

У мезбон билан учрашгач: "Сенинг бахтинг худди шу тошдек мустаҳкам бўлсин"- дейди.

Зухра РИХСИЕВА тайёрлади.

РИВОЯТ

КЕЛИННИНГ ЗАКОВАТИ

Қадим замонда бир бечораҳол йигит соҳибжамол ва оқила аёли билан аҳил-иноқ яшар экан.

Кунлардан бир куни йигит рўзғорига лойиқ у-бу сотиб олгач, қолган чақасига бир қовун харид қилибди ва хотинига тайинлабди:

-Осиб қўйгин-да, қишгача эҳтиётлаб сақла.

Иттифоқо бозор айланиб юрган ота ўғлининг қовун олганини кўрибди ва шомдан сўнг унинг дарвозасини қоқибди. Қариянинг нияти фарзандининг турмуши-ю, аҳли-аёли билан муносабатини имтиҳон қилмоқ экан. Эр-хотин қиблагоҳни ўтказгани жой топа олмай қолибдилар. Дастурхонга неки неъмат бўлса қўйишибди. Қайнотасининг кўнглини олиш ва унинг воситасида қайнонасига ҳам ўз турмушларидан яхши хабарлар юбориш тилагидан келин учиб-қўниб хизматда бўлади. Аёлининг сомелигидан, тилининг ширинлигидан падари бузруквори олдида бўйи чандон-чандон ўсиб ўтирган ўғил таомдан сўнг амр қилди:

-Энди қовунларнинг яхшисидан бирини опке!

-Хўп бўлади, - қўлини кўксига қўйди аёл.

Хотини келтирган осма қовун эрга маъқул бўлмади ва эътироз билдирди:

-Бунинг бўлмайди, хотин, осилмаганлари дурустроқ.

Аёл узр сўради:

-Ўғлингизнинг таъблари нозик, дада, мен қоронғида тузукроқ кўролмай...

-Хечқиси йўқ, она қизим, - томоқ кирди ота.

Аммо боғланмаган иккинчи қовун ҳам йигитга ёқмади.

-Яхшиси, бирортасини чақмоқлаб кўргин-чи.

Учинчи бор қайтарилган аёл тағин омборга йўл олди ва қайтиб кириб, пичоқ учидаги бир луқма қовунни эрига тутди:

-Ўзингиз татиб кўра қолинг...

-Дуруст, аммо қаттиқроқ, - баҳо берди йигит. –Отамнинг тишлари йўқ, юмшоқроғидан бирини каржлаб олиб келақол.

Боядан бери бу ажабтовур "қовун танлаш"ни ҳам жимгина, ҳам ҳузурланиб кузатаётган мўйсафид "қўй, болам, увол бўлмасин" деди. Негаки, у биларди. Билганда ҳам шунчалик аниқ биларди, ўша қовун аслида бир донагина эди, холос. Бозорда ўзи кўрган битта қовун ўғлининг уйига келиб омборни тўлдирган, мана ундан тўрт донасини умринг узоқ бўлгур келини олиб ҳам кирди. "Тўртинчи" қовун шундай ширин эдики, қария ҳали бунақасини тотиб кўрмаганди. Ўғлининг бахтидан, келиннинг дилбарлигидан масрур чолнинг юраги сел бўлди, қўлларини очиб қиблага қаради, ўғлини бир дуо қилса, келинни минг бор дуо қилди...

Рустамжон УММАТОВ

МУШУК ТОМИРИ

Абу Али ибн Сино кўп беморларни қабул қиларкан. Касал кўплигидан уларни кўриб улгуролмаскан. Шунинг учун ўзи ўтирадиган қабулхонадан кўча томонга ип тортиб қўйган экан. Касал келиб, шу ипни ушласа, Ибн Сино ипнинг титрашидан унинг томир уришини билиб, касали нимадан эканини дарҳол айтиб бераркан.

Бир куни аллақайси хотин Ибн Синони синаб кўрмоқчи бўлибди. У оч мушукни ушлаб келиб, бир оёғини ипга боғлаб қўйибди. Ибн Сино ипни ушлаб кўриб ҳайрон бўлибди. Ўйлаб туриб шундай дебди:

-Бу касал ўтган ҳафта бешта мушук туққан, унинг очликдан бошқа дарди йўқ. Агар топилса, бешта сичқон тутиб беринглар, жуда бўлмаса икки тишлам гўшт беринглар, шу билан соғайиб кетади.

Бу гапни эшитиб турган одамлар хотинга қарашибди. Унинг қўйнида мушук борлиги, бу мушук чиндан ҳам ўтган ҳафтада туққани маълум бўлгач, Ибн Сино ақлининг бу қадар ўткирлигига қойил қолишибди. Ҳалиги аёл эса ҳазил қилгани учун буюк табибдан узр сўрашга мажбур бўлибди.

Х.МАҲАМОВА тайёрлади.

"Қишлоқ ҳаёти" ижодий жамоаси шу таҳририят собиқ бўлим мудири, "Халқ сўзи" газетаси Бош муҳаррири ўринбосари Шуҳрат Жабборовга падари бузруквори **ЖАББОР ОТА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қиш келиб, шифокорларнинг ҳам ташвишлари бирмунча кўпайиб қолди. Кимдир бетоб, кимдир шунчаки озгина шамоллаган... "Чоткол" санаторийсида ҳам иш қизғин. Бу ерда дам олиб, даволанаётганларнинг холидан хабар олиш, уларнинг саломатликларини тиклаш ва асрашга масъул бўлган шифокорлару ҳамшираларнинг қўли қўлига тегмайди. Энг асосийси, ширинсуханлик, чексиз эътибор ва меҳр-мурувват кўрсатиш улар учун одат тусига кирган.

СУРАТДА: бош шифокор Насиба Шерметова, катта ҳамшира Муяссар Ҳолиқова ва ҳамшира Галина Аҳмедовалар билан биргаликда беморларнинг касаллик варақаларини кўздан кечирмоқда.

Б.АКРАМОВ олган сурат

ҚИРҚ БЕШ ЙИЛДАН СЎНГ

Андижон вилоятининг бош туғруқхонаси қарийб қирқ беш йилдан сўнг тамомила янги қиёфа касб этди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ва "Соғлом авлод учун" дастури доирасида бу ерда кенг кўламдаги қайта қуриш ишлари амалга оширилди.

Бу ерда аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга хизмат қилувчи барча шароитлар мавжуд бўлиб, айни вақтда туғруқхона шу йўналишда таянч марказ вазифасини ҳам ўтайди. Бунинг учун Андижон тиббиёт институтининг ихтисослашган кафедраларининг фаолият олиб боришига имкониятлар яратилган.

ХУШХАБАР

"Меҳр ва мурувват йили" арафасида мазкур туғруқхонанинг фойдаланишга топширилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Маросим чоғида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Соғлом авлод учун" жамғармаси томонидан туғруқхона жамоасига "Тез ёрдам" машинаси, хорижда ишлаб чиқарилган ноёб тиббий асбоб-ускуналар тортиқ қилинди.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

ҚОРБОБО НЕЧА ЁШДА?

Янги йил деганда Қорбобо кўз олдимизга келади. Лекин унинг қачондан бери бизнинг янги йил меҳмонимиз бўлиб қолганини кўплар билмаса керак.

Мажусий тасаввурларга кўра, Қорбобо шимолдаги совуқ шамол худосининг тимсоли бўлган. Афсоналарга кўра, бу худо музлар қурилган қасрда ҳар йили қишда Қуёш юзини тўсиб, фақат баҳордагина унинг юзидан пардани оларкан. Кейинчалик паҳлавон темирчи, сўнгра эса бизга таниш Қорбобо тарзида ифода қилинадиган бўлди. Вақт ўтиши билан Қорбобо мажусийлар динидаги муқаддаслик маъносини йўқотиб, бутун инсониятнинг яқин дўстига айланди.

Янги йил кириши арафасида у ҳар турли совғаларга тўлдирилган қопини елкасига орқалаб, инсонларни бахт-саодат ила табриклаш учун "узоқ шимол ўрмонларидан" келади.

Қорбобонинг бир елкасида арча, бир елкасида совға тўлдирилган қоп билан чиқиб келаётгани янги йилга атаб чизилган расмларда тасвирлаш урфга кириб улгурган.

Хуллас, Қорбобо ва Қорқиз Янги йил элчиси ҳисобланиб, эзгу мақсад учун хизмат қилади.

НИМТАБАССУМ

ХОТИНИМГА ЁҚМОҚЧИМАН...

Бўшанг йигит дўстига шикоят қилмоқда.

-Шу, шу... хотинимга кўнглидагидек эр бўлишим учун менга бир миллион доллар пул етмаяпти-да.

***

-Намунча йўталавермасанг, одамни хижолат қилиб юбординг-ку, - деди меҳмондорчиликда эр ёнида ўтирган хотинига.

-Янги олиб берган кўйлагингизни ҳамма кўрсин деяпманда, - жавоб берди секингина пичирлаб хотини.

***

Тикувчи ҳузурига келган бадавлат аёл шундай деди:

-Менга дунёдаги ҳеч қайси аёл киймаган кўйлакдан тикиб берсангиз.

-Хўп. Бунинг иложи бор опахон. Фақат олдимга ҳафтанинг душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба, якшанба кунларидан ташқари бирор кунда келсангиз...

***

Пушкиннинг "Балиқчи чол ва олтин балиқ" шеърий эртагидаги қария тилла балиқчани яна бир бора тўр солиб ушлаб олибди. Шу заҳоти балиқча ундан сўрабди:

-Бувимиз ҳалиям ҳаётмилар?

-Ҳа, худога шукур.

-Унда яхшиси, мени пишириб еб қўя қолинг.

***

Бир овчи қушга қараб ўқ узиб, текизолмабди. Шериги буни кўриб:

-Ў, офарин! – деб юборибди.

-Нима, мени калака қилаяпсанми? – аччиқланиб сўрабди мерган.

-Йўқ. Офаринни сенга эмас, сендай зўр мерганнинг ўқидан қочиб қутулган қушга айтдим.

Жаҳонгир ХОЛИҚОВ тайёрлади.

РАССОМ ХАНДАСИ

"Нотиқ"нинг Янги йил арчаси.

Изоҳга ҳожат йўқ.

А.ҲАКИМОВ чизган расмлар.

Газетанинг навбатдаги сони 2004 йил 6 январ, сешанба куни чиқади.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83 (факс): 133-09-93. (факс):133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-366-64-615-37; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: А.КАРИМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-221, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6